

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 342.5(575.1)

УРАЗБАЕВ ДАВРОНБЕК ОДИЛБЕКОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА РОТАЦИЯ
ИНСТИТУТИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

5А 240108 – Давлат бошқаруви ҳуқуқи мутахассислиги

магистр академик

даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
ю.ф.н. Ш.Н.Назаров

Тошкент – 2016

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I БОБ. РОТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1. Ротация институти тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари	10
1.2. Ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми	20
<i>I боб бўйича хулоса.....</i>	<i>28</i>
II БОБ. РОТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТАРМОҚЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	30
2.1. Вакиллик ҳокимияти тизимида ротация институтининг қўлланилиш тартиби	30
2.2. Ижро ҳокимияти тизимида ротация институтининг қўлланилиш механизми	41
2.3. Суд ҳокимияти тизимида ротация институтини қўллашнинг аҳамиятли жиҳатлари.....	52
<i>II боб бўйича хулоса.....</i>	<i>57</i>
III БОБ. РОТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИING РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР.....	60
3.1. Ротация институтини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари.....	60
3.2. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида ротация институтини такомиллаштириш масалалари.....	66

<i>III</i>	<i>боб</i>	<i>бўйича</i>
<i>хулоса</i>		69
<i>ХУЛОСА</i>		71
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>		75
<i>Илова</i>		84

К И Р И Ш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик мақсадини қўйган экан, бунга эришишда кучли давлат ва у томонидан самарали ислохотларни ўтказилиши талаб этилади. Бунда давлатни кучи нафақат уни тўғри ифодалаган сиёсий мақсадлари ва маъмурий кучи билан ўлчанади, балки янада муҳимроғи мазкур мақсадларга ҳаёт бахш этадиган ва бунинг учун маъмурий ҳокимиятдан самарали фойдаланадиган етарли даражада сиёсий хоҳиш-иродага ва касбий маҳоратларга эга бўлган давлатнинг мансабдор шахслари талаб этилади. Мазкур масала, ислохотларнинг ҳозирги босқичида ҳам етарлича ўз ечимини топа олмаётганлиги ва долзарблигини пасайтирмасдан сақлаб тураётганини эътироф қилиш мумкин. Буни “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган тамойилни амалга оширишдаги “давлат бош ислохотчи” тамойилини ислохотларни ҳозирги даврда янгича талқин қилиш лозимлиги ҳақидаги Президентимизнинг қуйидаги кўрсатмаларидан кузатиш мумкин: “Ҳаммангизга маълумки, бизда давлат – бош ислохотчи деган тамойил бор. Бугун шу иборани янгича тарзда, янгича мазмунда қўллаб айтадиган бўлсак, асосий ислохотчи давлат ходими бўлиши керак. Ҳозирги кунда ислохотлар тақдирини энг аввало давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт”¹.

Бундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш айниқса ўтиш даврида ўта долзарб масалалар қаторига киради. Кадрлар соҳаси тўхтаб қолган ҳодиса эмас, балки доимий ва изчил ривожланадиган ўз-ўзини созлайдиган механизм бўлиши керак.

Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Т.: Ўзбекистон. 2005. Б. 78.

маърузасида ҳам кадрлар малакаси ва масъулияти учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган масалага тўхталиб, “Ҳеч кимга сир эмас, шуни ҳам тан олишимиз керак – кундалик ҳаётимизда ҳали-бери қонунга риоя қилмаслик, қонун ва қонунийликнинг, адолат мезонларининг амалда қўпол равишда бузилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан ўз бурчига совуққонлик билан қараш қонунбузарликка олиб келиши билан боғлиқ ҳолатлар, афсуски, кам эмас”¹, деб таъкидлади.

Ўз навбатида мазкур масалани ечиш учун ҳар бир алоҳида давлат хизматчисини онгли бўлишига чақиришни ўзи кифоя эмас, бунинг учун уни тафаккурини, малакасини, шахсий ва ташкилотчилик қобилияти-даражасини ўлчаш, шуларнинг асосида замонавий кадрларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва жойига лойиқ бўлмаганлигини ўз вақтида аниқлаб алмаштириш қафолатларини яратадиган махсус тизимни вужудга келтириш лозим, бу тизим инсонга давлат таъсирининг иккита услубини самарали қўлланилишини таъминлаш имконини бериши лозим – бу ундаш ва мажбарлаш таъсир чоралари.

Худди шундай тизимни яратишнинг негизида биз танлаган мавзудаги тадқиқ этилаётган давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишдаги ротация принципи ётади. Мазкур принципнинг қўлланилганлик натижасини давлат миқёсида ягона, яхлит ҳамда барқарор ишлаб турадиган самарали ротациялаш тизимининг вужудга келтирилганлиги ташкил этиши лозим.

Шу нуқтаи назардан Президентимиз И.А.Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асарларида замонавий раҳбар ва унга қўйилган талаблар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “... синовдан ўтган одамларни раҳбар қилиб сайлаш зарур. Нега деганда, бу дунёда катта ақл-заковат билан бирга, кўпни кўрган, узоқни кўзлайдиган,

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. 2015й. 06 декабрь, №236 (6419) сон.

иродаси мустаҳкам, керак бўлса, турли-турли мураккаб синовлардан ўтган одамларни биз ўзимизга раҳбар қилиб танлашимиз керак. Узоқни кўра олмайдиган одамнинг раҳбар бўлишга мутлақо ҳаққи йўқ”¹. Ушбу фикр ўз навбатида давлат хизматчиларини танлаш, лавозимга қўйиш, шу жумладан, улар ротациясини амалга ошириш борасида муҳим мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Шулардан келиб чиқиб, ротация институти давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда кадрлар соҳасига бевосита тааллуқли бўлганлиги учун уни тадқиқ этиш ва қўлланилишининг самарали усуллари аниқлаш бугунги кунда илмий тадқиқот йўналишлари орасида долзарб ва муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида ротация институтини қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тадқиқот **объектини** ташкил ташкил этади. Тадқиқотнинг **предметини** эса, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ротация институтини қўлланилишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, ривожланган хорижий демократик давлатларнинг ротация институтига оид қонун ҳужжатлари мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини изчиллаштириш ва бунда ротация институтининг ўрни ва ролини, уни қўлланилишининг ҳуқуқий асосларини аниқлаш ва хорижий мамлакатлар тажрибаси билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, шулар натижасида ротация институтини давлат ҳокимияти органлари тизимида қўлланилишининг ҳуқуқий асослари самарасини оширишга қаратилган тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш тадқиқот мақсадини ташкил этади.

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2015. — Б. 208-209.

Диссертациянинг баён этилган мақсадига мос тарзда унинг қуйидаги вазифалари белгиланди:

– ротация институтини давлат ҳокимияти органлари тизимида қўлланилишининг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари амалга оширилаётган ислохотларга монанд равишда такомиллаштириш;

– ротация институтини давлат ҳокимияти тизимида қўлланилишининг ҳуқуқий табиатини ўрганиш, уни давлатнинг кадрлар сиёсатидаги тутган ўрнини аниқлаш;

– ротация институтини қўллаш соҳасидаги давлат органларини функция, вазифа ва ваколатларини таҳлил қилиш, уларни ҳокимият тармоқлари ичида амалга ошириш шакл ва услубларини аниқлаш;

– ротация институтини қўллашдаги кафолатларини тадқиқ қилиш;

– ротация соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш ва уларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида қўллаш мумкин бўлган қирраларини аниқлаш;

– ротация фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш борасида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Муаллиф илк маротаба Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари олиб борилаётган ислохотларда давлат ҳокимияти тизимида ротация институтини қўлланилишининг ҳуқуқий асосларини назарий ва амалий жиҳатдан монографик тарзда комплекс ўрганиш ва хорижий мамлакатлар тажрибаси билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилишга уринди.

Мазкур масалани тадқиқ қилиб, муаллиф ҳокимиятлар бўлиниши принципини инобатга олган ҳолда, ротация институтини давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрнини, аҳамияти ва ролини, уни қўлланилишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини аниқлаган ва тадқиқот олиб борган.

Муаллифни фикрига кўра, ротация институтини қўллаш давлат фаолиятининг алоҳида ва муҳим йўналишларидан бирини ташкил этиши керак ва у давлат ва жамиятдаги ўзгаришларга монанд, балки улардан бир қадам олдинда, ҳам илғор ғояларни, ҳам уларни ҳаётга тадбиқ этишга қодир кадрларни давлат фаолиятига олиб киришни ўз вақтида таъминлаб бориши лозим.

Тадқиқот ишида ротация институтини давлатнинг фаолиятида қўллаш билан боғлиқ қонунчиликни, шу жумладан давлат органларининг мазкур соҳага тегишли фаолиятини тартибга солувчи қонуности ҳужжатларни синчиклаб таҳлил қилиш катта ўринни олган. У давлат органларининг бу борадаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдаги нуқсонларини, қарама-қаршиликларини аниқлашга ва уларни бартараф этиш юзасидан бир қанча тавсияларни асослаб беришга имконият берди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтини қўлланилишининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, ҳокимиятлар тизимида кадрлар сиёсатини изчиллаштириш ва бунда ротация институтининг ўрни ва ролини белгилашга, шунингдек ротация институтини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти фаолиятида қўлланилишининг самарасини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда ротация институтини давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қўлланилишини такомиллаштириш ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, шунингдек, ҳокимиятнинг бўлиниш принципи талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди.

Хорижий мамлакатларнинг замонавий кадрлар сиёсати тажрибалари ўрганилиб, уни Ўзбекистонда қўллаш алоҳида аҳамиятга эгаллиги таъкидланди.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегик вазифа этиб белгилаб олинганидан сўнг, назарий

изланувларда катта эътибор давлат хизматчилари масаласига қаратила бошланди, шу билан биргаликда уларни ротациялаш муаммолари ҳам эътиборга олинди.

Ушбу мавзу юзасидан илмий изланишлар олиб борган ҳуқуқшунос олимларни қуйидагича гуруҳлаштиришимиз мумкин:

Биринчи гуруҳга мазкур йўналишдаги умумназарий масалаларни тадқиқ этган А.А.Азизхўжаев, З.М.Исломов, Х.Т.Одилқориев, Ш.З.Уразаев, Э.Халилов, М.Бойдадаев, Х.Б.Бобоев, Й.Назаров, А.Тўлаганов каби ўзбек ҳуқуқшунос олимлари ишларини киритишимиз мумкин. Ушбу мавзу доирасида махсус тадқиқотлар олиб олиб борган Ш.Курбанов, Э.Сейтхалилов, У.Ш.Хусаинов каби миллий олимларимизнинг илмий изланишлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Иккинчи гуруҳга МДХ мамлакатларида давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида ротация институтининг ҳуқуқий асосларига тегишли муаммоларни тадқиқ этган А.В.Аверин, Н.И.Глазунова, В.Е.Чиркин, Е.В.Данькова (Россия Федерацияси), Г.Джунусбекова, Ж.Баишев, К.Шакиров, А.З.Турисбек (Қозоғистон), Н.Т.Шерипов (Қирғизистон) каби ҳуқуқшунос олимларининг илмий ишларини киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳни жаҳон хорижий мамлакатларида ротация институтининг хилма-хил қирраларига эътибор қаратган С.Ашбаугҳ, Р.Миранда, Г.Бревер, С.Селден, Р.Фасер, Л.Брайт, Н.Мэннинг, Н.Паринсон, Ж.Коггбурн, С.Реддик, Б.Манен каби олимларнинг ишлари ташкил қилади.

Тўртинчи гуруҳни эса, юридик шахслар фаолиятида ротация институтини қўллашнинг иқтисодий, социологик, сиёсий жиҳатларини ўрганган Д.В.Степанков, И.Христофоров, С.В.Баранчеев, Д.Довлатов, А.Х.Шилов, А.Б.Хапов, Н.П.Беляцкий, Г.Р.Сюняев, И.П.Бушуева, И.В.Кондратович, Е.Г.Усов каби иқтисодчи, сиёсатчи, социолог ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари ташкил этади¹.

¹ Ушбу муаллифларнинг асарлари рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотни амалга оширишда тарихий, муаммовий-мақсадли, социологик, мантиқий ёндашув, амалиёт натижалари, жорий қонунчиликни хорижий тажриба билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва илмий билишнинг бошқа усулларидан фойдаланилди. Тадқиқотнинг методологик базаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида ишлаб чиқилган ҳолатлар ётади, шунингдек уни кадрлар соҳасидаги давлат фаолиятини юксалтиришга қаратилган ислохотларнинг концептуал ғояларини белгилаб берувчи сиёсий-ҳуқуқий кўрсатмалари, фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий ишда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб келтирилган қоидалар ҳамда натижалардан “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи”, “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқи”, “Давлат хизмати”, “Давлат хизматлари институти”, каби фанларни ўқитишда, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқотларда, тегишли давлат дастурларини, қонун ҳужжатларини, ҳукумат қарорларини ишлаб чиқишда ҳамда давлат ҳокимияти органларининг амалий фаолиятида ротация институтини қўллашдаги шакл ва услубларни танлашда ва шунга тегишли ислохотларни олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Илмий тадқиқот ишининг таркибий тузилиши мазмунан бир-бири билан ўзаро боғланган Кириш, уч боб, етти та параграф, Хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шунингдек, иловадан иборат. Ишнинг ҳажми 84 саҳифадан иборат. Тадқиқот ишида 70 дан ортиқ манбалардан фойдаланилган.

I БОБ. РОТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ротация институти тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари

Ротация институти самарали қўллаш учун унинг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш, давлат хизматчисининг ҳуқуқий ҳолати ва шундан келиб чиқиб уни бошқарув жараёнига таъсирининг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаб олиш керак.

Ротация тушунчаси латинча “rotatio” сўзидан олинган бўлиб, “айлана”, “айланма ҳаракат” маъносини билдириб¹, юридик адабиётларда ҳар хил тарзда талқин этилади. Хусусан, биринчи ҳолатда ротация тушунчаси “ўқитиш” деб тушунилади ва бунда “ходим янги билим ва кўникмаларни эгаллаши учун вақтинчалик ҳар хил лавозимларга ўтказилиб борилади”²; иккинчиси бўйича, ротация бу – латинча “rotation” сўзидан келиб чиққан ҳолда, айланиб юриш, ҳаракат қилишдир; ходимларни ташкилотнинг ишлаб чиқаришга оид турли вазифалари билан таништириш мақсадида бир иш жойидан бошқасига (горизонтал) ўтказиш³; давлат хизматчиларини кадрлардан самарали фойдаланиш, уларнинг хизмат ва касбий ўсиши учун шарт-шароит яратиш, хизмат лавозимидан ўсиш учун тенг имкониятлар яратиш мақсадларида давлат хизматининг бошқа лавозимларига ўтказиш⁴; навбатлашиш, алмаштириш, маълум бир лавозимда галма-гал ҳозир бўлиш, таркибни янгилаш⁵; учинчи талқин – ходимни бошқариш назарияси бўйича ротация деб бир ташкилот доирасида ходимларни янги иш ўринларига мунтазам, қонуний

¹ Ashbaugh S., Miranda R. (2002). Technology for human resources management: Seven questions and answers. Public Personnel Management. – №31(1). – P. 7-8.

² Граждан В.Д. Государственная гражданская служба. – М.: Юркнига, 2005. – С. 47.

³ Явтуховская Я.В. Ротация государственных служащих Российской Федерации и перевод на иную должность: возможность соотношения // Вестник ВГУ. Серия: Право. – 2015. – №3. – С. 139-140.

⁴ Абдуллаева И.Г. Технология ротации кадров: проблемы реализации и перспективы развития // Современные тенденции в государственном управлении, экономике, политике, праве: сборник статей международной научно-практической конференции молодых ученых (Ростов-на-Дону, 29 ноября 2013 г.). – Ростов н/Д: Изд-во ЮРИФ РАНХиГС, 2013. – С.3.

⁵ Степанков Д.В. Управление ротацией кадров государственной гражданской службы Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – Орел, 2015. – С.10.

хамда уюшқоқлик асосида ўтказишлар ва кўчиришлар тизими тушунилади¹; тўртинчиси бўйича, хизматчиларнинг хизмат-касбий ўсишини изчиллаштириш учун ҳар хил даражали мутахассисларнинг муҳим лавозимлардан ўзаро ўсишининг усули²; бешинчисида, касби ва даражаси бўйича тўғри келадиган персонални иш ўринлари бўйича горизонтал ўтказилиши тушунилади³; олтинчисида, хизмат жараёнидаги режали ўтказишлар ёки ходимнинг хизмат вазифаларини сезиларли даражада ўзгартириш⁴; еттинчисида, муайян ташкилот доирасида сайланувчи олий органи таркибини мунтазам равишда янгилаб бориш⁵; саккизинчисида, бир ташкилот доирасида мутахассис ёки раҳбар ходимларнинг бир лавозимдан бошқасига ўтказилиши⁶; тўққизинчисида ҳам янги ходимларни олиш ва эскиларидан халос бўлиш, ҳам ташкилот ичида ходимларни бошқа жойга ўтказиш йўли билан ташкилот кадрлар таркибини янгиланиши⁷; ўнинчисида, шартномада кўзда тутилган ва белгиланган тартибда маълум муддатларда давлат хизматида муайян мансабни эгаллаб турган хизматчини унинг малака даражаси, мутахассислиги, иш (хизмат) стажи ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда бир ҳудуд доирасида ёки режа асосида бошқа ҳудудга, алоҳида ҳолларда эса, режадан ташқари асосда бошқа тенг даражадаги давлат хизмати лавозимига ўтказиш (жойлаштириш)⁸; ўн биринчисида қонуний асосда ходимларни ўқитиш, кўникмасини аниқлаш ва коррупциянинг олдини олиш

¹ Папонова Н.Е. Ротация персонала: понятие и основные правила // Кадры предприятия, 2003. - №10. – С. 32.

² Данькова, Е.В. Ротация руководителей на государственной гражданской службе: перспективы и прогнозы. – М.: Дело РАНХиГС, 2013. – С.20.

³ Христофоров И. Ротация как средство развития персонала // Справочник кадровика. – М., 2003.– С. 12.

⁴ Brewer G.A., Selden S.C., Facer R.L. (2000). Individual conceptions of public service motivation. Public Administration Review. – №60(3). – P. 254-255.

⁵ Bright L. (2005). Public employees with high levels of public service motivation: Who are they, where are they, and what do they want? Review of Public Personnel Administration. – №25(2). – P. 138-139.

⁶ Шапиро С.А. Управление человеческими ресурсами. – М.: Гросс Медиа, 2005. – С. 123.

⁷ Баранчев С.В. Качество ротации состава менеджеров как фактор конкурентоспособности организации. Часть I. – М., 2006. – С. 21.

⁸ Сороко А.В. Управление кадровым потенциалом государственной гражданской службы на основе формирования резерва управленческих кадров: Автореф. дисс. ... экон. наук. – М., 2011. – С.13.

мақсадида уларнинг лавозимларини алмаштириб туриш, хизмат вазифаларини ўзгартириш ҳамда ходимлар таркибининг янгиланиши¹ тушунилади.

Мазкур таърифлар юзасидан айтиш мумкинки, уларнинг ҳар бири ротация тушунчасининг айрим қирраларини у ёки бу даражада акс эттириб, унинг барча белгиларини комплекс равишда қамраб олмаган. Шу боис ҳам мазкур таърифларнинг бирортасини ротацияга берилган тўлиқ таъриф дея олмаймиз. Шўролар даврида ротация деб “кадрлар захираси” тушунилар эди. Режали ротация тўғрисида давлат сиёсати сифатида юртимизда мустақилликдан сўнг гапирила бошланди. Фикримизча, ротация тушунчасига тўлиқ таъриф бериш учун унинг функционал ва институционал жиҳатларини инобатга олиш лозим. Функционал жиҳати дейилганда, ротация институтининг мақсадлари, институционал жиҳати дейилганда эса, ротация институтининг ташкилий-ҳуқуқий асослари тушунилади². Демак, ротацияга таъриф беришда унинг мақсадлари ва ташкилий-ҳуқуқий асослари эътиборга олиниши керак. Жумладан, юқорида кўрсатилган таърифларда ротация институтининг ушбу функционал, яъни мақсадли жиҳатлари: ўқитиш; хизмат-касбий ўсишини изчиллаштиришлар белгиланган. Бу ерда ўқитиш ўз ичига касбий ўсишни изчиллаштириш, ривожлантириш мақсадини олади. Шунинг учун ротация терминига изох берганда “ўқитиш” тушунчасини қўллаш тўғри бўлади, чунки у изохланиш бўйича қисқа ва мазмунан кенг маънони англатади. Лекин шу билан бирга, айрим олимларнинг изохларида яна иккита асосий мақсад инобатга олинган. Биринчиси, бу коррупциянинг олдини олиш ва камайтириш, иккинчиси, бу ходимнинг у ёки бу фаолият турига кўникмасини аниқлаш ва унинг меҳнат салоҳиятидан максимал фойдаланиш³.

¹ Хусаинов У. Ш. Институт ротации в системе государственной власти: понятие и сущность // Актуальные вопросы юридических наук: материалы II междунар. науч. конф. (г. Челябинск, февраль 2015 г.). – Челябинск: Два комсомольца, 2015. – С. 10-13.

² Бушуева И.П. Управление профессиональным развитием государственных гражданских служащих: региональный аспект: Автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – Н.Новгород, 2015. – С.10.

³ Журавский Ю.В. Антикоррупционная направленность административной реформы в РФ // Современные тенденции в государственном управлении, экономике, политике, праве: сборник статей международной научно-практической конференции молодых ученых (Ростов-на-Дону, 29 ноября 2013 г.). – Ростов н/Д: Изд-во ЮРИФ РАНХиГС, 2013. – С.74-75.; Donchev D., Ujhelyi G. What Do Corruption Indices Measure? // Economics & Politics. – 2014. – Vol. 26. – No. 2. – pp. 309–331.

Бу дегани айрим ҳолатларда ротацияни ўтказишда коррупцияни олдини олиш мақсади биринчи ўринга чиқиб, ўқитиш мақсади эса, иккинчи даражали мақсад, яъни эҳтиёж бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, ротация тушунчасига изох беришда унинг коррупцияни олдини олиш каби функционал жиҳати ҳам ўз аксини топиши лозим. Ротациянинг мазкур мақсади кўпроқ давлат ҳокимиятини амалга оширилиши соҳасида қўлланиладиган ротацияга хос эканини алоҳида таъкидлаш керак¹.

Айни дамда ғарбий мамлакатлар тадқиқотчилари ротацияни кўп жиҳатдан жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, бошқарув, шу жумладан, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, хизмат, шу жумладан, давлат хизмати сифатини яхшилаш ҳамда иқтисодий ўсишга эришишнинг муҳим омили сифатида кўриб чиқадилар, бошқалари эса, ушбу масалаларни ротациянинг бош вазифалари сифатида кўрсатадилар². Бошқа манбаларда эса, ротация шахсий масъулиятни ошириш, давлат хизматчисининг ўз касбига нисбатан қизиқишини кучайтириш, малака даражасини ошириш, иқтисодий самарадорликка эришиш воситаси сифатида баҳоланади³.

Ротациянинг асосий принципи бўлиб, малака даражасини, иш натижаларини ҳамда хизмат мажбуриятларини бажаришга нисбатан муносабатини ҳисобга олган ҳолда бошқа ишга ўтказиш ҳисобланади⁴. Давлат органларида ротация икки шаклда амалга оширилиши мумкин: 1)

¹ Хусайнов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2010. – Б. 18.

² Acemoglu D., Reed, T., Robinson, J. A. Chiefs: elite control of civil society and economic development in Sierra Leone. – National Bureau of Economic Research. – 2013. – №18691; Besley, T., Persson T., Reynal-Querol, M. Political Instability and Institutional Reform: Theory and Evidence. Working Paper. – London School of Economics, 2012 (<http://people.su.se>); Reuter, O., Robertson, G. Subnational Appointments in Regimes: Evidence from Russian Gubernatorial Appointments // Journal of Politics. – 2012. – Vol. 74. – No. 4. – pp. 1023-1037.; Мэннинг Н., Паринсон Н. Реформа государственного управления: международный опыт / Пер. с англ. – М.: Весь мир, 2003. – С.196.

³ Савченко И.П., Кафян К.А. Система ротации кадров как инструмент управления карьерой персонала организации // Новый университет. – 2014. – №4(38). – С. 107-108.; Явтуховская Я. В. Основные цели осуществления ротациигосударственных служащих Российской Федерации // Вестник Воронежского государственного университета. – 2014. – №4(19). – С.132-133.; Солодов В.В., Михайлова Е.В. Ротация как механизм повышения эффективности правоохранительной службы Российской Федерации // Государственное управление. Электронный вестник. – 2010. – №22. – С.2.

⁴ Чубарова Н.Л. Компетентностный подход в подготовке управленческих кадров (политологический аспект): Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Ростов-на-Дону, 2013. – С. 9.

ўтказилаётган шахсни қайта тайинлаш орқали (мазкур ҳолатда меҳнат шартномасига ўзгартириш киритилиб, меҳнат дафтарчасида янги тайинланиш ҳақида қайд киритилади); 2) ўтказилаётган лавозимини ва тегишли пул мукофотини сақлаган ҳолда (бу ҳолатда тегишли ўзгартиришлар киритилмайди)¹.

Ротация тушунчасининг институционал жиҳатлари, яъни ташкилий-ҳуқуқий асослари юқорида берилган таърифларда ходимнинг ҳар хил лавозимларга ўтказилиши ҳамда улар таркибининг янгиланиши тарзида намоён бўлмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ротация институтининг функционал ва институционал жиҳатларининг қўлланилишидаги долзарблик уни давлат ҳокимияти тармоқларининг турларига қараб (қонунчилик, ижро, суд) қўлланилишидан келиб чиқади. Масалан, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи давлат ҳокимияти вакиллик органларига нисбатан тўлиқ ва қисман ротация турлари (яъни таркибнинг тўла ёки маълум бир қисмининг янгиланиши) фаолроқ қўлланилади².

Демак, кадрлар ротацияси – ходимларни бошқа лавозимларга ва иш жойларида кўчирилиб борилиши бўлиб, у бошқарув тизими элементларидан бирини ташкил этади. Ротация режали иш хизмати бўйича кўчирилишини ёки ходимнинг мансаб мажбуриятларини муҳим ўзгартирилишини билдиради. Умуман олганда, ротацияни изчил қўлланилиши ижобий омил деб ҳисоблаш керак. Уни бошқарувнинг якуний натижасига унумли таъсир кўрсатувчи фактор деб баҳолаш мумкин. Давлат ходимларини “горизонтал” кўчирилиши лозимлиги шундан келиб чиқадики, битта лавозимда узоқ муддат мобайнида бўлиб бориш меҳнат омилкорлигини пасайтиради, ходим ўз дунёқарашида битта иш жойи доираси билан чегараланади, камчиликлар билан қўниқишиб қолади, ўз фаолиятини янги шакл ва услублар билан бойитиб боришни тўхтатиб қўяди. Жойларни ўзгартирилиши вазиятни таққослашга, янги

¹ Явтуховская Я.В. Ротация государственных служащих Российской Федерации и перевод на иную должность: возможность соотношения // Вестник ВГУ. Серия: Право. – 2015. – №3. – С. 140-141.

² Джунусбекова Г. Некоторые аспекты совершенствования системы государственной службы в Республике Казахстан // Актуальные проблемы экономики. – Алматы, 2013. – №8(146). – С.278-279.

шароитларга тезроқ кўникишга имконият беради. Лекин ротация тартибида барчани кўчириб ўтказиш мумкин эмас. Шундан келиб чикиб, унинг ҳуқуқий белгиларини, жумладан, устунлик ва камчилик хусусиятларини кўриб чиқиш ва уларни бошқарув тизимига ижобий таъсир кўрсатувчи хосликларини кўллаш долзарб масаладир.

Шундан келиб чикиб, ротацияни қуйидаги ижобий белгиларини ажратиш мумкин: кадрлар оқимини пасайиши; ходимлар томонидан рационализаторлик таклифлари сонининг юқори кўрсаткичи; ходимларни ташкилотга нисбатан фидойиликнинг кўпроқлиги ва бунинг натижаси бўлиб, сир бўлган маълумотларни чикиб кетишининг камайиши; ишнинг бир-хиллигидан келиб чиқадиган асабийлашиш даражасини пасайиши; ротация ходимларни янги шароитларга кўникиш жараёнида фаолинка ундайди ва бу ҳолат ташкилотда ходимлар сонининг кўпайиши эҳтиёжини олдини олиш муҳити юзага келади¹; касалликлар, таътиллар ва бошқа барқарор бўлмаган вазиятлар рўй берган ҳолатларда ходимларни бир-бирини алмаштириб туриш имконияти кўпаяди; ходимларни бир-бирига эътибори ошиб боради; айрим ходимлар енгил, айримлари оғир ишларни бажариши борасидаги ҳақсизлик ҳиссиётига барҳам берилади; меҳнатдан қониқиш даражасининг омилкорлигини оширади; ходимларни иш вазифаси юзасидан бир-бири билан мулоқоти кучаяди, уларнинг ўзаро муносабати яхшиланади ва бу ўзаро ҳамкорликни, ўзаро кўмаклашув даражасини яхшилайдди, умуман ҳар қандай ротациялик тадбирлар одамлар орасидаги коммуникацияларни кучайтиради²; тажрибали мутахассислар ва раҳбарлар томонидан ўз тажриба ва билимларини ёшроқ ходимлар авлодига ўтказиб берилишига, меҳнатнинг рационал услубларини тез тарқатилишига туртки беради; агарда ходим ўз бўлимида барча лавозимлардан ўтиб борса, у бўлимни олдида турган барча вазифалар бўйича ўзини маъсул деб билади, яъни лозим бўлган сифат даражасига ва

¹ Шерипов Н.Т. Государственная гражданская служба Кыргызской Республики (административно-правовое исследование): Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Тюмень, 2011. – С.11.

² Жукова С.М. Государственная гражданская служба в Российской Федерации: монография. – Оренбург: ООО ИПК «Университет», 2014. – С.36.

меҳнат миқдорига эришилади¹; низолар келиб чиққанида ёки уларни келиб чиқиши хавфи юзага келганда уларни бартараф этиш ёки олдини олишга кадрларни кўчириб ўтказиш йўли билан эришиш мумкин; ходимлар лавозимларини ўзаро таққослаш имкониятига эга бўладилар; маъмурият ходимларни касбий маҳорат ва ишчанликлари жиҳатидан таққослаш имкониятига эга бўладилар; агарда кўчириб ўтказилиш тизимли бўлиб тасдиқланган схема асосида амалга оширилаётган бўлса, ходимларда уларни кадрлашаётган хиссиёти шаклланади, ходимлар ва раҳбарият орасида узоқлашув даражаси пасаяди, ташкилотда ижтимоий психологик муҳит яхшиланади²; интенсив ротацияларни сиёсати қўлланилишида ташкилотни жамоаси яхлит бўлиб боради, “мен нима билан ёрдам беришим мумкин?” деган тамойили³ шаклланади, ҳар ким бошқа бўлимлардаги ходимларни ва уларни муаммоларини биладиган бўлади, шунинг учун розиликка эришиш ҳам енгилроқ бўлади⁴; ротация ходимларни ишдан ажратмаган ҳолда ўқитиш услубидир ва бошқалар.

Ўз навбатида ротацияни моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун уни бир нечта таснифлаш мезонлари асосида келтириш мақсадга мувофиқ:

Биринчи мезон – кўчириб ўтказишнинг кетма-кетлиги (тезлиги) бўйича ротацияларни йиллик (вақт йиллар билан ўлчанганда), ҳар ойлик, ҳар ҳафталик, ҳар бир соатлик ва ҳоказо турларини ажратиш мумкин. Жумладан, Япон автомобиль корхоналарида бир участка доирасида ходимларни бир операциясидан иккинчисига жойма-жой алмаштирилиши нафақат йиллар ёки ойларда ўлчовли интервал билан, балки ҳар кунлик, айрим ҳолатларда ҳар бир соатлик билан ўлчанади⁵.

¹ Турисбек А.З. Государственная служба в Республике Казахстан (проблемы теории и практики): Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – М., 2012. – С.9.

² Мартынова Н.А. Современные подходы к адаптации руководителей к новому месту работы в органах власти // Государственное управление. Электронный вестник. – 2014. – № 46. – С. 37-38.

³ Довлатов Д. Ротация кадров: сущность явления и документальный аспект // Кадровик. – 2012. – №8. – С. 64-69.

⁴ Сюняев Г.Р. Влияние сменяемости властных структур на защиту прав собственности: теоретический и эмпирический анализ: Автореф. дисс. ... канд. экон. наук. – М., 2015. – С.11.

⁵ Шидов А.Х., Хапов А.Б. Ротация кадров как элемент системы управления деловой карьерой // Менеджмент в России и за рубежом. – 2003. – № 2. – С. 90-95.

Ротацияни **иккинчи мезонга** асосан уни ҳаракат йўналишидан келиб чиқиб қуйидаги турларга бўлиш мумкин. Биринчиси, айланма ротация, яъни ходим, бир қатор лавозимларидан белгиланган вақт мобайнида ўтиб, яна ўзини лавозимига қайтиб келади.¹ Иккинчиси, қайтарилмайдиган ротация, яъни кўчириб ўтказилиши бошланғич лавозим қайтариб берилмайдиган ҳолатда амалга оширилади; учинчиси, рокировка шаклидаги ротация, яъни битта даражадаги иккита ходим ўз жойлари билан алмашишади. Бундай турдаги ротация япон фирмалари томонидан фаол қўлланилади².

Ротацияни **учинчи таснифлаш мезони** унинг ихтисослашуви даражаси билан боғлиқ бўлиб, унга кўра ротацияни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: биринчиси, бошқа турдаги ихтисослашув бўйича ротация; иккинчиси, бир-бирига боғлиқ ихтисослашув бўйича ротация; учинчидан, битта ихтисослашув бўйича, лекин фаолиятининг характериини алмаштирган ҳолда ротация; тўртинчидан, фаолиятнинг характери сезиларли ўзгармаган ҳолда ротация.

Тўртинчи мезон ротацияни ўтказиш ташаббускорларнинг турлари билан боғлиқ. Бунда ротациялар қуйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин: ташкилотнинг маъмуриятини ташаббусига кўра; ходимнинг ташаббусига кўра; кадрлар бўлимининг ташаббусига кўра. Ўзбекистон бюджет ташкилотларида олий ва ўрта бўғиндаги раҳбарлар аксарият ҳолларда биринчи турдаги асос бўйича амалга оширилади. Ходимларни ташаббуси билан ротация аксарият ҳолларда мутахассислар орасида ўтказилади. Бунда кадрлар бўлимлари ротацияни ўтказишга оид кенг ҳуқуқларга эга эмаслар, шунинг учун уларни ташаббускорлиги билан ротация фаол қўлланилмайди.

Бешинчи мезон кўчириб ўтказиладиган объектлар билан боғлиқ бўлиб, у раҳбар ва мутахассисларга тегишлидир. Ёки И.В.Кондратович ротация иштирокчилари сонига кўра, яқка, жамоавий ва тўлиқ ротацияни фарқлайди³.

¹ Сороко А. Механизмы ротации кадров // Кадровик. – 2012. – № 8. – С. 89-90.

² Дебро Ж. Ротация кадров как элемент управления деловой карьерой персонала // Справочник по управлению персоналом. – 2009. – № 7. – С. 25-29.

³ Кондратович И.В. Теория и методология формирования высшего управленческого персонала муниципального образования: Дисс. ... докт. экон. наук. – М., 2014. – С.261.

Олтинчи мезон бўлмиш кўчириб ўтказишни миқёсига кўра, уни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: биринчиси, ички ротация – бирор-бир битта ташкилот ёки уни бўғини даражасидаги ротация; иккинчиси, ташқи ротация – битта ҳудудда жойлашган ташкилотнинг филиаллари ва бўғинлари орасидаги ротация; учинчиси, ҳудудлараро ротация – турар жойини ўзгартирган ҳолда ташкилотнинг бошқа ҳудудлардаги филиалига ёки тузилмавий бўғинига ўтказилиши¹. Улар мамлакатни бошқа қисмларида филиалларга эга бўлган катта корпорациялар томонидан қўлланилади; тўртинчиси, халқаро миқёсидаги ротация – трансмиллий компаниялар томонидан қўлланилиб мазкур турдаги ротация ходимларни бошқа давлатларга ўтказилишини билдиради.

Еттинчи мезон ходимларни ўқитиш билан боғлиқ бўлиб унга кўра ротация ўқитиш ёки ўқитишсиз бўлиши мумкин.

Саккизинчи мезонга кўра лавозим миқёси бўйича реал ва виртуал ротацияларни ажратиш мумкин. Биринчиси, оддий, реал мавжуд бўлган ташкилотда қўлланилиши мумкин. Иккинчиси, ротацияни юзага келган янги тури бўлиб, у илмий-техникавий тараққиёт натижасида юзага келган. Мазкур ротация тури электрон алоқалар билан узвий боғлиқ, электрон ишлаб чиқиш машиналарни қўллашга асосланган ташкилотларда амалга оширилиши мумкин. Виртуал ротация – бу шундай ротацияки, у ҳақиқий тартибда виртуал ташкилотда, одамни компанияда жисмоний иштрокисиз амалга оширилади².

Тўққизинчи мезон – бу уни қўллашда вақт мезонларини инобатга олинишининг хусусиятлари. Мазкур белгисига кўра ротация режали ва фактик бўлиши мумкин. Режали ротация – бу уни шунақа шаклики, унга кўра ротация махсус ишлаб чиқилган схема асосида келажакда амалга оширилади. Фактик ротация – ротация режаларини тадбиқ этилишининг натижаларидир.

Ўнинчи мезон уни ўтказилишини мақсадларидан келиб чиқади. Ротацияни мазкур белгисига кўра улар кўчириб ўтказишларни мақсадига

¹ Дахно Е.В. Управление развитием карьеры государственных служащих в условиях реформирования государственной службы в России: Автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – Ростов-на-Дону, 2012. – С. 11-12.

² Беляцкий Н.П. Менеджмент. Деловая карьера. – Мн.: Высшая школа. 2001. – С. 170.

караб куйидаги турларга бўлинади: раҳбарий кадрларни тайёрлаш учун; ходимлар мухитини ўзгартириш учун (одам лавозимини узок муддат мобайнида эгаллаб турганида ва у бошқа жойда янги билимлар ва кўникмаларни олишни хоҳлаганида); ихтилофларни олдини олиш ёки уларни ечимини топиш учун; мутахассисларни универсаллар сифатида тайёрлаш учун; одамларни касаллик, таътилга чиқиш ва ҳоказо ҳолатларида ўзаро алмашинувни таъминлаш учун; ходимни ишлаб турган лавозимидаги кўрсаткичлари қониқарли бўлмаганлиги сабабли унга янада мосроқ лавозимни кидириш учун; ташкилот ходимларининг ҳамжихатлик даражасини ошириш, улар орасида коммуникацияларни кучайтириш учун ва ҳоказо.

Айрим ҳолларда ротацияни вертикал ҳаракатлашувининг йўналиши бўйича ҳам таснифлашган. Унга кўра ротациянинг лавозимида ўстириш ва лавозимда пасайтириш турлари мавжуд¹. Ундан ташқари, айрим муаллифлар ротацияни ташкилотлараро (бошқа ташкилотга ўтиш) ва ички ташкилот турларига бўладилар. Бунда бу тушунча инсонни меҳнат ҳаёти давомида кўчиб ўтишларнинг барча ҳолатларини англатади. Бизнинг фикримизча, бундай мавқе тўғри эмас. Бунинг мақсади ташкилотни олдида турган хилма-хил вазифалар билан ходимларни таништиришдан иборат.

Шу билан бирга, менеджмент назариясига кўра, муайян лавозимни эгаллаб туришнинг мақбул даври раҳбар учун 5 йилни, мутахассис учун эса, 3-5 йилни ташкил этади². Лекин барча бир хилдаги лавозимлар учун умумий муддатни белгилаб қўйиш маъқул эмас. Ходимнинг лавозимни эгаллаб туриш даврига таъсир кўрсатувчи ҳар бир вазият билан боғлиқ бўлган ҳолатларининг хусусиятларини ҳар бир ҳолатда алоҳида инобатга олиш лозим.

¹ Чифликян Н.Л. Проблемы урегулирования конфликта интересов на государственной гражданской службе // Современные тенденции в государственном управлении, экономике, политике, праве: сборник статей международной научно-практической конференции молодых ученых (Рос-тов-на-Дону, 29 ноября 2013 г.). – Ростов н/Д: Изд-во ЮРИФ РАНХиГС, 2013. – С.208-209.

² Плотникова Е.В. Условия и процедуры ротации государственных гражданских служащих в РФ // Развитие института государственной службы в регионах: международный и российский опыт. II Международная научно-практическая конференция (25 сентября 2014 г.) / Под редакцией П.А.Меркулова. – Орёл: Изд-во ОФ РАНХиГС, 2014. – С.335-336.

Мухтасар қилиб айтганда, горизонтал ротацияни ходимнинг бутун меҳнат ҳаёти давомида тизимли ўтказиб бориш тизимини йўлга қўйиш лозим. Айтиш керакки, фаолиятни биринчи йилларида одамларни ўқувга ва кўникишга фаоллиги келусига нисбатан юқорида бўлади ва шунинг учун вақт ўтиб ва ходимни ёши катталашган сари уни, яъни ротациянинг жадаллигини камайтириш керак.

1.2. Ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми

Ротация принципи давлат органларининг ташкил этилишида ҳам, фаолиятида ҳам қўлланилади. У давлат ҳокимиятини барча тармоқларига тааллуқли бўлиб, қонунчилик, ижро, суд, прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг муҳим қирраларидан бирини ташкил этади. Жумладан, ротация принципи давлат ҳокимияти органларининг шакллантириш тизимида қўлланилиши жараёнида қуйидаги ўзига хосликларига эга. Давлат бошлиғини шакллантириш борасидаги сайлов тизимида ротацияни режали ва режадан ташқари шакллари қўлланилиши кўзда тутилган.

Бунда режали ротация сифатида демократик ривожланиш йўлини танлаган аксарият хорижий давлатларда давлат раҳбарларини мазкур лавозимда мажбурий алмашиб туриш талаби жорий қилинган. Бундай талабларни иккита турга бўлиш мумкин: биринчиси, давлат бошлиғини сайланганлик муддатини белгилаш, иккинчиси, уни сайланиш муддатини энг кўп миқдорини белгилаб қўйиш.

Талабни биринчи турида давлат бошлиқларини бирор бир муддатга сайланганликлари белгиланади. У аксарият давлатларда ўрта ҳисобда 4 йилдан 7 йилгача даврни қамраб олади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 5 йиллик муддатга, Россия Федерацияси Президенти 4 йиллик, Германия Федератив Республикаси Президенти 5 йиллик ва ҳоказо муддатларга сайланадилар. Мазкур ҳолатдаги ротацияни юмшоқ характерга эга деб баҳолаш мумкин. Бу дегани кўрсатилган ваколатларининг конституцион муддати мутлақ бўлмай, тегишли шахс яна кейинги

муддатларга ҳам қайта сайланиш ҳуқуқига эга¹. Масалан, кейинги муддатга қайта сайланишда ҳеч нарса билан чегараланмаган давлатлар мавжуд. Улар қаторида Миср, Франция, Сурия ва бошқа қатор давлатларни келтириш мумкин. Бундай қайта сайланиш ҳуқуқи деярли барча республика бошқаруви шаклидаги давлатларда белгиланган. У монархия давлатларида, масалан, Малайзияда ҳам учрайди².

Бу дегани давлат бошлиғи ваколатларининг конституциявий муддатини уни ротациялаш учун қатъий тартиб деб тан олиб бўлмайди, чунки у сайловлар орқали яна ўз лавозимида қолиш эҳтимоли мавжуд. Ундан ташқари амалиёт, давлат бошлиқларини аксарият ҳолда кейинги муддатларга қайта сайланаётганликларини кўрсатмоқда.

Талабни иккинчи шакли бўйича давлат бошлиқлари маълум муддат ўтгач ротацияланишлари шарт бўладилар. Бунда уларни қайта сайланиш миқдори қатъий белгилаб қўйилади ва бу билан уларни шу лавозимда бўлиш муддати аниқ чегараланиб қўйилади. Жумладан, аксарият хорижий давлатларнинг конституцияларида, шу жумладан, Ўзбекистон Конституциясида ҳам, белгилаб қўйиладики, айти бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ давлат бошлиғи (Президент) бўлиши мумкин эмас. Демак, бундан келиб чиқадики, бу ерда давлат бошлиғини ротацияланиши шарт эканлиги ва уни аниқ муддатлари белгиланган. Масалан, мазкур ҳолат Германия (54-модда 2-банд), Қозоғистон (42-модда 5-банд), Литва (78-модда 3 банд)³ каби давлатларнинг конституцияларида белгиланган.

Ўз навбатида давлат бошлиғининг ротациясини ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Ижобий томонлари шундаки, давлат бошлиғини алмашиб туриши жамиятдаги сиёсий кучларни ўзаро муносабатларидаги ўзгаришининг

¹ Куликова Ю.А. Проблемы правового регулирования сроков пребывания в должности президентов Российской Федерации и государств-членов Содружества Независимых Государств: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2014. – С.18.

² Серегин А.В. Форма государственного правления (вопросы теории): Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2014. – С.28.

³ Баишев Ж., Шакиров К. Конституции 16 стран мира. – Алматы: Жетти Жаргы, 1995. – С. 20.

давлат фаолиятида ўз аксини топтиришга имконият беради¹. Бу эса жамият ва давлат муносабатларида қарама-қаршилик кучайишининг олдини олади, чунки жамиятни энг катта қисмини эътиборни қозонган сиёсий кучлар ўз вакилини давлат бошлиғи даражасига олиб чиқишга ва шундай қилиб жамиятни аксарият қисмини манфаатларини давлат бошлиғи орқали уларни қониқтириб бориш имкониятига эга бўладилар².

Давлат бошлиғини режадан ташқари ротациялашни қаттиқ ва юмшоқ шакллари мавжуд. Қаттиқ ротация – бу чақириб олиш механизмини мураккаблигида ва демак уни амалга оширишни қийинлигида намоён бўлади. Юмшоқ ротация эса, қаттиқ ротацияни акси бўлган ҳуқуқий белгиларга эга. Ҳозирда амалиётда аксарият ҳолатда қаттиқ ротацияларни ҳуқуқий белгиланишини кузатиш мумкин.

Вакиллик ҳокимияти органларига нисбатан хорижий давлатларнинг ҳуқуқий амалиётида ротация институти кенг қўлланилади ва у қуйидаги асосларга эга. Мазкур органларга қўлланилишининг долзарблиги вакиллик органларини ҳуқуқий табиатидан келиб чиқади. Бу дегани мазкур органлар халқни ва жойлардаги аҳолини манфаатларини ўзларида мужассам этиб давлат даражасига олиб чиқишлари лозим. Шунинг учун уларга жамият ҳаётига тегишли энг асосий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, масалаларни ҳал этиш ваколати берилган. Шундан келиб чиқиб, мазкур органлар аҳолининг сиёсий кайфиятини ва манфаатларини муносиб ифодалашларига эришиш мақсадида, вакиллик органларнинг ротациясини вақти-вақти билан ўтқазиб туриши лозим. Вакиллик органларини бундай ротацияси режа асосида ўтқазиладиган сайловлар орқали амалга оширилади³. Жумладан, масалан, кўпгина хорижий давлатларнинг конституцияларида вакиллик органларининг

¹ Разуваева Н.И. Ротация как один из механизмов подбора кадров в органах внутренних дел // Вестник Воронежского института МВД России. – 2012. – №3. – С. 35.

² Ноговицын Р.Р. Сравнительный анализ демократических способов замещения государственных должностей // Вестник СВФУ. – 2012. – Том 9. №2. – С.86-87.

³ Хусаинов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2010. – 35 б.

ваколат муддати ва сайлов ўтказиш вақти, яъни даврийлиги сайлов тизимида аниқ белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, давлат бошлиғини ротациялашдан фарқли ўлароқ, вакиллик органлари аъзолари бўлмиш депутатларга нисбатан аксарият ҳолда ротацияни юмшоқ шакли қўлланилади. Бу дегани, депутатларни янги муддатга қайта сайланиши таъқиқланмаган ва чегараланмаган. Ўз навбатида режали ротация нафақат даврийлик билан бир вақтда вакиллик ҳокимияти органини барча таркибини қайта сайлаш услуби билан амалга оширилади, балки, у унинг таркибини қисман ротациялаб бориш орқали ҳам олиб борилади. Бундай қисманлик режали ротация аксарият хорижий давлатларда олий вакиллик органининг юқори палата аъзоларига нисбатан қўлланилади¹. Жумладан, масалан, бундай ҳуқуқий амалиёт қуйидаги давлатларнинг конституцияларида мавжуд: АҚШ (1-модда 3-банд), Қозоғистон (51-модда 2-банд), Япония (46-модда) ва ҳоказо². Бу ерда ротация аксарият ҳолларда парламентни айнан юқори палатаси аъзоларига нисбатан қўлланилишининг боиси шундаки, юқори палата қуйи палатадаги демократик тенденцияларни тийиб туриш учун, восита ролини ўтайди. Зеро, агарда юқори палата бундай ролни ўтамаса, ўз таркибига кўра қуйи палатага ўхшаб қолади ва уни такрорлайди.

Режадан ташқари шаклдаги ротацияни қуйидаги турлари мавжуд: парламентни, уни палаталарининг иккаласини, ёки иккаласидан бирини тарқатиб юбориш; парламент аъзосини (депутатни, сенаторни) парламентни ёки судни махсус қарорига кўра мақомидан маҳрум қилиш; парламенти аъзосини ўз мандатидан воз кечиши ёки қонунга кўра парламент аъзоси мандати билан сиғишмайдиган лавозимга ўтиши муносабати билан. Режадан ташқари ротациясига тегишли ҳослик шундаки, уларнинг аксариятида парламентни қуйи палатаси тарқатилиши, юқори палатасининг тарқатилмаслик тартиблари белгиланган. Жумладан, масалан, бундай тартиб

¹ Хусаинов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2010. – 36 б.

² Баишев Ж., Шакиров К. Конституции 16 стран мира. – Алматы: Жетти Жаргы. 1995. – С. 117, 387, 565.

қуйидаги давлатларни конституцияларида белгиланган: Германия 39-модда, Япония 34-модда ва ҳоказо¹.

Бундай тартибнинг ўрнатилиши давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини қайта шакллантириш жараёнида сиёсий ҳокимиятни барқарорлигини, узвий боғлиқлигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур мақсад сари юқори палата аъзолари хорижий давлатларда қоида тариқасида узоқроқ муддатга сайланади.²

Ҳукумат фаолиятида ҳам ротация институти кенг қўлланилади. Бу ерда режали ротацияни қўлланилиши кўзда тутилмайди. Яъни, ҳукуматни конституциявий ваколат муддати белгиланмайди. Бундай муддат ҳукумат ўз ваколатини тегишли субъектни олдида соқит қилиши лозим бўлганида (Парламент, Президент), шу субъектни конституциявий ваколат муддатида келиб чиқади. Демак, бу ерда билвосита режали ротация шакли қўлланилади. Ундан ташқари режали ротацияни мазкур шакли юмшоқ ротация турига тааллуқли, чунки ҳукумат аъзолари ўз лавозимида қайта тасдиқланиш ҳуқуқига эга бўлиб, ўз лавозимларини сақлаб қолишлари мумкин бўлади.

Ўз навбатида бошқарув шаклини туридан келиб чиқиб, яъни бу парламент ёки президентлик республикаси, ҳукумат ўз ваколатини зиммасидан тегишлича парламент (парламентар республикада) ёки президент (президентлик республикасида) олдида соқит қилади. Жумладан, Япония Конституциясининг 66 ва 70-моддаларига биноан “Ҳукумат Парламент олдида жамоа жавобгарлигини олиб боради. Вакиллар палатаси аъзоларини умумий сайловидан сўнг парламентни биринчи сессияси чақирилганда Ҳукумат истеъфога чиқиши лозим”³.

Ҳукуматга нисбатан режали ротация билан бир қаторда режадан ташқари ротация ҳам қўлланилиши мумкин. Улар қуйидаги шаклларда амалга

¹ Cogburn J.D., Reddick C.G. (2007). Public pension management: Issues and trends. International Journal of Public Administration. – №30. – P. 995-996.

² Хусайнов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2010. – 36-37 б.

³ Бернар Манен. Принципы представительного правления / Пер. с англ. Е.Н. Рошина; науч. ред. О.В. Хархордин. – Спб.: Изд-во Европейского университета в Санкт-Петербурге, 2008. – С.123.

оширилиши мумкин: биринчидан, ҳукуматни президент ёки парламентни олдида тегишлича маъсуллигига қараб ҳукумат ёки президент истеъфога чиққанда; иккинчидан, ҳукуматнинг ўзини истеъфога чиқиши тўғрисида эълон қилиши; учинчидан, ҳукумат раисини ўзини истеъфога чиқиши тўғрисида индивидуал эълон қилиши. Бундай вазиятда раис билан биргаликда ҳукуматни барча аъзолари истеъфога чиқиши лозим бўлади; тўртинчидан, ҳукуматни истеъфога чиқиши тегишлича Президент ёки Парламент қарорига биноан; бешинчидан, Парламент томонидан ҳукуматга ишончсизлик бирдирилиши тўғрисида қарор қабул қилинганда; олтинчидан, Парламент ҳукуматга ишонч билдиришни рад этганида; еттинчидан, Ҳукуматни жамоатчилик истеъфога чиқиши билан биргаликда хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳукумат аъзоларининг индивидуал истеъфога чиқиши тартиби ҳам кўзда тутилган.

Парламент ва ҳукумат ротациясидан фарқли ўлароқ хорижий мамлакатларда суд ҳокимиятида ротация институти кенг қўлланилмайди. Бунинг асосий сабаби шундаки суд ҳокимияти сиёсий функцияларни амалга оширмайди, яъни халқни, уни бирор бир қатламини сиёсий манфаатларини таъминлаш билан шуғулланмайди. Бунда суд ҳокимиятини вазифаси одил судловни амалга ошириш. Бунинг учун судьяларни ҳуқуқий мақомида иккита ҳуқуқий белгилар ўз аксини топиши лозим, биринчиси, бу функционал жиҳатидан судьялар фақат конституцияга бўйсуниллари лозим; институционал жиҳатдан, улар алмаштирилмасликлари лозим.

Бу ерда, иккинчи, яъни институционал жиҳат судьяларни сиёсий-иждодий иш билан эмас, балки қонун устуворлигини таъминлаш, фақат унга итоат этган ва у билан рағбатланган ҳолда ўз ишини олиб бориш белгиланган экан, бунинг учун ўз лавозимларида барқарор бўлишлари, демак алмашмасликлари лозим. Бу, судьяларнинг ҳокимиятни бошқа тармоқларига нисбатан мустақилликларини мустаҳкамлайди.

Айнан шунинг учун, кўпгина хорижий давлатларда судьяларни ҳуқуқий мақомини белгилашнинг негизида уларни алмашмаслик принципи қўйилади. Мазкур принцип билан рағбатланиб судьялар тизимида режадан ташқари

ротация камроқ қўлланилиб, аксинча судья лавозимини эгаллашга умрбод мақоми белгиланган.¹ Бу дегани судьялар ўз лавозимида алмашмайдилар ва ўз лавозимини умрбод эгаллайдилар. Масалан, Қозоғистон Конституциясининг 79 моддасида белгиланганки: “Судьялар доимий субъектлардан иборат². Бунда улар истисно тариқасида алмаштиришлари мумкин. Ўз навбатида судьялар кўпгина хорижий давлатларда тайинланадилар, лекин судьяни тайинлаган шахс уни кейинчалик ўз лавозимидан четлаштиришда қийинроқ ҳуқуқий талаблар билан тўқнашади. Масалан, АҚШ Президенти, Сенат розилиги ва маслаҳатига кўра федерал судьяни тайинлаб, уни шундай “розилик ва маслаҳат” тариқасида лавозимидан четлаштирамайди, хусусан Франциянинг Президенти ҳам, уни ваколатлари қанчалик кенг бўлмасин. Шунингдек, судьялик импичменти – бу жиддий қафолатларга эга бўлган мураккаб жараён³.

Ўз навбатида суд тизимида режали ротация самарали қўлланилади. Унинг асосий мақсади, айнан бир томондан, судьяларни алмашмаслигини, иккинчи томондан – судьялик карьерасини поғоналарини ўтишда қатъий тартибни таъминлашдан иборат. Бунда судьялар қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятлари томонидан тайинлансалар ҳам, лекин, қоида тариқасида судьяларни ротациялашга, яъни лавозимида кўтаришга, бошқа иш жойига ўтказишга ҳақли эмаслар. Мазкур вазифаларни ҳал этишга судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатга эга.⁴

Шу билан бирга суд органлари тизимида ўзининг функционал жиҳатдан бошқа судлардан фарқланадиган Конституциявий суд мавжуд. Унинг, яъни Конституциявий судни бошқа судлардан асосий фарқланиши, уни сиёсий фаолият билан яқинроқ боғлиқлиги билан ифодаланади. Бу эса, ўз навбатида, Конституциявий судни судьяларини ротацияланашига бевосита таъсир кўрсатади.

¹ Маълум бир муддатга тайинланиши қоида кам учрайди, қоида тариқасида 10 йилга (Япония, Грузия), ёки олдин маълум бир муддатга, кейинчалик эса умрбод (Украина, Молдова).

² Баишев Ж., Шакиров К. Конституции 16 стран мира. – Алматы: Жетти Жарғы. 1995. – С. 130.

³ Хусаинов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2010. – 39 б.

⁴ Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. – М.: Юристъ. 1997. – С. 296-297.

Бу ерда Конституциявий суднинг сиёсий фаолият билан яқинлашгани шундан келиб чиқадики, у Конституция ва конун нормаларига шарҳ бериш ваколатига эга. Бунда, Конституция нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий ҳужжат бўлганлиги учун, уни нормаларига шарҳлар берувчи Конституциявий суд ўзининг бу борадаги қарори билан сиёсий муносабатларнинг иштирокчиларини ҳаракатининг қонунийлигини аниқлаб беради. Унинг қарори қатъий мақомга эга ҳисобланади.

Конституциявий судни айнан шундай функционал хусусиятларини инобатга олган ҳолда, аксарият хорижий давлатларда уни шакллантириш ва ротациялашда ҳокимиятни бошқа сиёсий тармоқлари, яъни давлат бошлиғи ва парламент иштирок этиш ваколатига эга бўладилар. Жумладан, масалан, хорижий мамлакатларининг тажрибасида Конституциявий суд таркибини шакллантиришда иккита тартибдан фойдаланилади: парламентлик ва аралаш.

Парламентлик қаторига Германия Федерал судини шакллантириш тартибини келтириш мумкин. Унга кўра 16 судьядан ярми Бундестаг, ярми Бундесрат томонидан сайланади. Шарқий Европани бир қатор давлатларида суд аъзолари давлат бошлиғи билан парламент биргаликда шакллантирилади.

Аралаш шаклда парламент фақатгина қисман иштрок этади. Масалан, Францияда Республика Президенти, Миллий мажлис ва Сенат Раисларининг ҳар бири Конституциявий Кенгашга уч аъзодан тўққиз йиллик муддатга тайинлайдилар. Бунда судьялар ҳар уч йилда учдан бир қисмга алмашиб туришлари лозим. (Франция Республикасининг Конституциясини 56-моддаси). Қозоғистон Республикасида ҳам шундай тартиб ўрнатилган. Лекин Кенгашни ротациялашда унинг аъзоларини ярми ҳар уч йилда алмашиб туриши лозим. (Қозоғистон Республикасининг Конституциясини 71-моддаси). Италияда бешта судья Парламент, бешта Президент ва бешта Магистратурани олий Кенгаши томонидан тайинланади. Испанияда ҳам тахминан шундай тартиб ўрнатилган¹.

¹ Баишев Ж., Шакиров К. Конституции 16 стран мира. – Алматы: Жетти Жаргы. 1995. – С. 97, 127, 516-517.

1 боб бўйича хулоса:

1. Ҳар бир ташкилотда ходимларни кўчириб ўтказишни горизонтал тизими ишлаб чиқарилиши лозим. У кадрларни бошқариш бўйича бўлимлари томонидан бошқа бўлимларни раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорликда тузилиши керак. Бунда бўлим бошлиқлари лавозимда бўлиб бориш учун оптимал даврни аниқлашлари, ўзига бўйсунган ходимларни кўчиб ўтишларининг схемасини тузиш билан шуғулланишлари лозим. Бунинг учун мазкур раҳбарларга нисбатан ўқув курсларини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундай тизимни жорий этишда қаршиликларни енгиш учун, у бошқарувни олий даражаларида бошланиши лозим, уни жорий қилиниши фақатгина олий раҳбариятни ташаббуси билан бўлиши мумкин. Бунда муҳими шундаки, кўчиб ўтказишлар адолатли амалга оширилиши, енгилроқ ёки оғирроқ лавозимлар бир текис тақсимланиши керак. Бу ерда ротациялаш тизими самарали амал қилиши учун, ходимлар юқори даражадаги интеллектуал ва иродали сифатларга эга бўлишлари лозим. Шунинг учун ходимларни танлаш босқичида муҳими шундаки, бунда айнан энг яхши номзодлар танлаб олинishi лозим.

2. Хорижий мамлакатларда давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида ротация принципи кенг қўлланилиб келиниб, уларда ротация принципи давлат органларининг ҳам ташкил этилиши, ҳам фаолиятида қўлланилиб келинади. У давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига тааллуқли бўлиб, қонунчилик, ижро, суд, прокуратура органлари ҳуқуқий мақомини муҳим қирраларидан бирини ташкил этади. Шунингдек, ротация принципи давлат ҳокимияти органларини шакллантириш тизимида, жумладан, давлат бошлиғини шакллантириш борасидаги сайлов тизимида, ротациянинг режали ва режадан ташқари шакллари қўлланилиши каби ўзига хос жиҳатларга эга ҳисобланади.

3. Режали ротация сифатида демократик ривожланиш йўлини танлаган аксарият хорижий давлатларда давлат раҳбарларини мазкур лавозимда мажбурий алмашиб туриш талаби жорий қилинганлигини кўриш мумкин. Бундай талабларни иккита турга: биринчиси, давлат бошлиғини сайланганлик

муддатини белгилаш, иккинчиси, унинг сайланиш муддатини максимал миқдорини белгилаб қўйиш.

II БОБ. РОТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТАРМОҚЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Вакиллик ҳокимияти тизимида ротация институтининг қўлланилиш тартиби

Парламент фаолиятида ротация муҳим роль ўйнайди ва уни асосий мазмун моҳияти унда халқ ҳокимиятчилигини тайминланишининг сифатини оширишдан иборат. Бу ерда ротация ва халқ ҳокимиятчилигини тайминлаш тушунчаларини узвий боғлиқлиги шундан келиб чиқадики, ротация депутатлар ва сенаторлар корпусини, уларни палаталардаги лавозимларини алмаштириб, сайловларда номзод кўрсатувчи ҳар бир субъект ва бевосита сайловчилар ўзларини сайлаган депутатларини сифат тавсифларини ошириб бориш мақсадида уларни ротациясини амалга ошириб борадилар.

Ўз навбатида парламентдаги ротация уни палаталари доирасида алоҳида амалга оширилиб борилади ва у ҳокимиятни бошқа тармоқларининг органларига нисбатан ўзининг хосликларига эга. Жумладан, уларни ҳар бирида ротация ўтказилишининг ўзига хос объектлари, субъектлари, шакл ва услублари мавжуд. Улар умумий ва фарқли томонларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали бўлганлиги учун ротация иккала палаталарнинг ҳар бирига ёки уларни аъзоларига қўлланилади, яъни Қонунчилик палатасининг депутатларига ва Сенат аъзоларига.

Парламентга нисбатан қўлланиладиган ротация режали ва режадан ташқари шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бу соҳадаги ротацияни асосий хусусияти шундаки, унда режали ротация Парламентни ҳар бир палатасига нисбатан бир хил, фақат битта усулни қўллаш билан амалга оширилади – бу навбатдаги сайловлар ўтказиш йўли билан. Жумладан, ротациялашни бундай тартиби Ўзбекистон сайлов тизимида “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари

тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни¹ билан киритилган ва уни қуйидаги моддаларида белгиланган:

Қонунчилик палатасига нисбатан: 3-модда – “Ўзбекистон Республикаси ... Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ... сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади”; 5-модда – “Қонунчилик палатасининг ваколат муддати – беш йил”.

Сенатга нисбатан: 6-модда – “Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси ... Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ... Сенатнинг ваколат муддати – беш йил”.

Режали ротация Парламент фаолиятида фақат битта шаклда қўлланилиши мумкинлиги кўзда тутилганлиги учун у унинг фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи бошқа қонунларда ўз аксини топмаган. Жумладан, бундай тартиб “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги,² “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги³ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунларида, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги,⁴ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги⁵ Ўзбекистон Республикасининг қонунларида мавжуд эмас.

Бу дегани, парламентни ички органларида (қўмита, комиссия, палата раиси, раис ўринбосарлари) фаолият юритувчи депутат ва сенатор олдиндан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2002. 4-5-сон. 60-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. 12-сон. 215-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. 12-сон. 216-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. 9-10-сон. 136-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. 9-10-сон. 137-модда.

бирор бир мақсадларни кўзлаган ҳолда режалаштирилган қоидалар асосида ўз лавозимидан чеклантирилмайди.

Парламент фаолиятида режали ротациядан фарқли ўлароқ режадан ташқари ротация кенгроқ қўлланилади. Ротациянинг бундай тури иккита шаклларда амалга оширилади: биринчиси – депутат ёки сенаторни палатадаги лавозимида алмаштириш орқали; иккинчиси – Парламентдаги депутат ёки сенаторни мандатидан маҳрум қилиш услубини қўллаш орқали.

Ротациянинг биринчи шакли қуйидаги асослар бўйича амалга оширилади: депутат ёки сенаторни палатадаги эгаллаб турган лавозимидан чакириб олиш, уни ўз ихтиёрий аризасига кўра палатадаги бошқа иш жойига ўтказиш; депутат ёки сенаторни малака даражасини ўзгарганлигига қараб, иқтидорлигини, қизиқувчанлигини инобатга олиб, шунингдек бўшаб қолган ёки очилган янги иш жойларини тўлғазиш учун уларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш. Мазкур асослар бўйича парламентдаги ротацияни ҳуқуқий тартибга солиниши лавозимни муҳимлигига ва унга қўйилган талабларга қараб фарқланади.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасинининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида, палата Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш ва лавозимларидан муддатидан илгари озод этиш масаласи махсус тартибга эга ва у тегишли 4-5-моддаларда алоҳида мустаҳкамланган.

Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун депутатлар орасидан Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этган ҳар бир сиёсий партиядан камида уч нафар депутатдан иборат Сиёсий партиялар вакиллари кенгаши тузилади. Сиёсий партиялар вакиллари кенгашининг таркиби тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сиёсий партиялар вакиллари кенгаши ўз мажлисида Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни депутатлар орасидан кўрсатиш масаласини кўриб чиқади. Сиёсий партиялар

вакиллари кенгаши мажлисида Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиянинг вакили раислик қилади.

Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайланган ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларининг сони, қоида тариқасида, Қонунчилик палатасида тузилган фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг сонидан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади. Қонунчилик палатасида тузилган фракция ва депутатлар гуруҳи ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эгадир.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига сайланади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция ва депутатлар гуруҳи, қоида тариқасида, ўз фракциясининг, депутатлар гуруҳининг раҳбари номзодини киритади.

Фракциядан ёки депутатлар гуруҳидан тақдим этилган номзод Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, фракция, депутатлар гуруҳи ўз фракцияси, депутатлар гуруҳи аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланганлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади, қарорларни палата мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш, яъни режадан ташқари ротация куйидаги тартибда амалга оширилади:

Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг

овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмидан иборат Қонунчилик палатаси депутатлари гуруҳининг таклифига биноан палата томонидан кўриб чиқилади. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала уларнинг номзодлари кўрсатилган фракциялар ёки депутатлар гуруҳлари томонидан ҳам киритилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарорни палата мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

Ротация Қонунчилик палатаси Кенгашига нисбатан ҳам амалга оширилиб борилади. Уни хусусияти шундаки, Кенгаш аниқ мансабдор шахслардан ташкил топганлиги учун, шу лавозимларни эгаллаб турган шахсларни номзоди ўзгариши автоматик тарзда Кенгашга аъзо бўлган шахсларни ўзгаришига олиб келади. Ўз навбатида Кенгашнинг таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг раислари киради.

Қўмиталарга нисбатан ротация қуйидаги тартибда қўлланилади:

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарори билан белгиланади. Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва

қўмита аъзолари лавозимларига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклифларни депутатлар бирлашмаларининг раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда киритадилар.

Ротация механизмида айрим чекловлар ўрнатилади. Жумладан, Қонунчилик палатаси Спикери Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас, чунки у охиригиларга раҳбарлик қилади ва назоратни олиб боради.

Шу каби чекловлар депутатларининг партиявийлигидан келиб чиқиб ўрнатилган. Жумладан, Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин. Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ва фракция ёки депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмаслиги белгиланган.

Фракция ва депутатлар гуруҳларини ротацияси улар муддатидан илгари тугатилиши муносабати билан ҳам амалга оширилади. Бу қуйидаги ҳолларда юзага келади: фракция ёки депутатлар гуруҳининг ўз ташаббусига биноан; Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугаганда; фракция ёки депутатлар гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда; тегишли сиёсий партия фаолияти тугаганда (тугатишганда).

Қонунчилик палатасининг фаолиятидаги режадан ташқари ротацияни иккинчи шакли бўлмиш депутатни мандатидан маҳрум қилиш иккита услубни қўлланилиши асосида амалга оширилади: биринчиси – Парламент палаталари тарқатилганда, иккинчиси – депутат чақириб олинганида.

Биринчи услуб фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўлланилиши мумкин. Жумладан, Конституциянинг 95-моддасига биноан “Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир

неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас”¹.

Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш тартиби “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинган².

Шу каби ротация тартиби Сенатда қўлланилади, лекин шу билан бирга у ўзига хос жиҳатларига эга. Жумладан, Сенат Раислигига ва унинг ўринбосарлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сенаторлар орасидан тақдим этилади. Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида сенаторлар умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Сенат Раиси ёки унинг ўринбосари этиб сайланган ҳисобланади. Сенаторлар орасидан сайланадиган Сенат Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади. Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланганлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади, қарорларни Сенат мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

Бундай тартиб ҳам режали, ҳам режадан ташқари ротация ўтказилишида қўлланилади. Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини режадан ташқари

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2015. 95-модда. Б. 48-49.

² Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. 8-9 (144-145)-сон. 64-модда. Б. 3.

ротацияси уларни муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш билан боғлиқ бўлиб у қуйидаги тартибда амалга оширилади: Сенат Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Сенат Раисининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин. Сенат Раисини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا ёки сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг тақлифига биноан Сенат томонидан кўриб чиқилади. Сенат Раисини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарорни Сенат мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

Сенат Кенгашининг ротацияси Қонунчилик палатасидаги тартибни қайтаради, яъни Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва Сенат қўмиталарининг раислари Кенгаш аъзолари бўлганлиги учун мазкур лавозимларни эгаллаб турган шахсларни номзодлари ўзгарса, унда бу автоматик арзда Кенгашга аъзо бўлган шахсларни ротациясига олиб келади.

Сенатнинг қўмиталаридаги ротация уларни ташкил этиш жараёнидаги тартиб орқали амалга оширилади. Бу дегани, қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари палата мажлисида Сенат Раисининг тақдимиغا биноан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади. Бу ерда ҳам, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари Сенатнинг қўмиталари таркибига сайланиши мумкин эмас. Сенат қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, саккизтадан ошмаслиги керак. Бундай чеклов сенаторларни ротациясини чегаралайди, чунки сенаторларни фақат айрим қисмини қамраб олади.

Сенат қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари, шунингдек қўмита аъзолари сайлангани тўғрисида Сенат қарорлар қабул қилади. Сенатнинг

ташкилий тузилмаларининг яна бир турини комиссиялар ташкил этади, шунинг учун уларга нисбатан ҳам ротация механизми қўлланилади.

Комиссия Сенат мажлисида сенаторлар орасидан комиссия раиси ва аъзолари, зарурат бўлганда эса комиссия раисининг ўринбосаридан иборат таркибда тузилади. Комиссия тузилгани тўғрисида Сенат қарор қабул қилади. Комиссиялар қисқа муддатга тузилганлиги учун уларни ротациялаш долзарб аҳамият касб этмайди. Бунда, комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан сўнг, қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат ўтганидан кейин ёки Сенатнинг қарорига биноан муддатида илгари ўз фаолиятини тугатади.

Юқоридаги таҳлил шуни кўрсатадики, Парламентдаги ротация палаталарни бутунлай ва таркибий қисмлари аъзоларини алмаштиришдан иборат бўлиб уни қўлланилишида етарлича ҳаракатланиш кузатилмаяпти. Бунинг асосий кўринишлари шундаки, Парламентдаги ҳар қандай ротация марказлашган ҳолда уни бошқарув органи бўлмиш ёки палатанинг ўзини қарори билан ёки палата Раиси, Кенгаши томонидан амалга оширилиши лозим бўлмоқда. Ўз навбатида ҳар бир алмаштириш Парламентни ҳар бир аъзосини фаолияти самарасини ошириб боришни таъминловчи асосий кафолатлардан бири сифатида кўрилиши лозим.

Ўзбекистондан фарқли ўлароқ ривожланган демократик давлатларнинг аксариятида Парламент фаолиятида ротация институти кенгроқ ва хилма-хил шакл ва услублар орқали қўлланилади.

Жумладан, уларни қуйидаги умумий ўзига хосликларида кузатиш мумкин:

Биринчидан, уларда режали қисман ротацияни шакли қўлланилади ва у аксарият ҳолда парламентни юқори палатасида ўтказилади – яъни, палатани учдан ёки иккидан бир қисми уни ваколатининг конституциявий муддати даврида қонунда белгиланган муддатлар ичида режали алмаштирилиб (ротациялаб) турилади (АҚШ, Франция, Япония ва б.к.). Жумладан, АҚШда барча сенаторлар 6 йилга сайланадилар, лекин Сенат таркибини тўла

янгилаши ҳеч қачон ўтказилмайди: ҳар икки йилда фақат учдан бир қисми янгиланади; Францияда Сенат тўққиз йилга сайланади ва уни таркибини ҳар уч қисми ҳар уч йилда алмашиб туради; Японияда Маслаҳатчилар (юқори) палатаси олти йилга сайланади ва уни ярими ҳар уч йилда алмашиб туради¹.

Иккинчидан, хорижий давлатларда қисман режали ротация шакли ҳам қўлланилади (Германия, Россия ва б.қ.) – парламентни юқори палатасида ўз вакилларига эга бўлган маҳаллий ҳокимият органлари ўзлари режали ротация асосида янгиланганлигидан сўнг (уларда навбатдаги сайловлар ўтганидан сўнг) юқори палатадаги ўз вакиллари қайта сайлайдилар². Лекин ротациянинг бундай шаклида қуйидаги иккита асос бўйича режадан ташқари ротация ҳам қўлланилиши мумкин. Бу дегани, биринчидан, агарда маҳаллий ҳокимият органларида навбатдан ташқари сайловлар (уларни муддатида илгари тарқатилганлиги муносабати билан) ўтказилса, иккинчидан, агарда улар томонидан махсус ўрнатилган тартиб орқали сенаторлар муддатида илгари чақириб олинади. Бундай икала вазиятда маҳаллий ҳокимият органлари юқори палатадаги ўз вакиллари қайта сайловини ўтказадилар.

Кўпгина давлатларда юқори палаталарнинг доимий қисман режали ротацияси ўтказилиши давлат ва жамият ҳаётидаги узлуксиз бўлиб бораётган ўзгаришларни Парламент фаолиятида инобатга олинишини таъминлайди. Лекин Парламент фаолиятида барқарорликни ва кетма-кетликни таъминлаш мақсадида ротацияни бирданига тўла ўтказмасдан, балки уни депутатлик корпусида кескин ўзгаришларга олиб келмасдан босқичма-босқичлик билан амалга оширилиши қўлланилади.

Айнан шунинг учун, аксарият давлатларда юқори палаталар ҳеч қандай вазиятда ва ҳеч ким томонидан тарқатиб юборилиши мумкин эмаслиги ўрнатилади, яъни бу палата давлат сиёсатининг барқарорлигини таъминловчи энг асосий кафолатлардан бири бўлиб хизмат қилади.

¹ Баглай М.В. Конституционное право зарубежных стран. – М.: Норма. 1999. – С.365-366, 473, 565.

² Ўша жойда. Б. 454, 512.

Иккинчидан, ротация Парламентнинг қуйи палатаси билан Ҳукуматни ўзаро назорат қилиш механизмлари асосида келиб чиқиши мумкин. Бу дегани, Парламент фаолиятида “Ҳукуматга ишончсизлик вотумини эълон қилиш”, Ҳукуматнинг ташаббуси билан Парламент олдида “Ҳукуматга ишонч билдириш тўғрисида” масалаларини қўйиш. Бундай зиддиятлар Президент томонидан қуйи палатани ёки Ҳукуматни тарқатиб юборишга олиб келиши мумкин.

Юқоридагиларга асосан, парламентга нисбатан қўлланиладиган ротация режали ва режадан ташқари шаклларда амалга оширилиши мумкин. Режали ротация Парламентнинг ҳар икки палатасига нисбатан бир хил, фақат битта усулда, яъни навбатдаги сайловлар ўтказиш йўли билан бир вақтда ҳар бир палата таркибини янгилаш орқали амалга оширилади.

Бу усулга амалий мисол сифатида, 2014 йил 21 декабрь куни мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ўтказилган сайловни келтириш жоиз. Бу сайловларни ўтказишнинг зарурияти ҳамда ҳокимиятнинг олий вакиллик органи фаолиятида ротация ўтказишнинг муҳимлигини Президентимиз И.А.Каримовнинг 2015 йил 23 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида келтирилган қуйидаги ҳолатлардан англаб олиш мумкин.

“Ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан қабул қилинган 140 дан зиёд қонуннинг атиги 19 таси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қабул қилинганини қониқарли, деб бўлмайди. Қолаверса, ана шу қонунларнинг бор-йўғи 3 таси янги қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, 16 таси амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ, асосан юридик-техник хусусиятга эга бўлган қонун ҳужжатларидир. Бугунги шароитда фракциялар ва депутатларнинг мамлакатимиз учун зарур бўлган

конунларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиш ва уларни қабул қилиш бўйича фаолиятини принципиал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш керак...¹”

Ўтказилган таҳлил асосида хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда Парламент фаолиятида ротация институти етарлича самарали қўлланилмаяпти. Бунинг учун унда қуйидаги чораларни қўллаш мақсадга мувофиқ:

– биринчидан, Парламент фаолиятида ротацияни фаоллаштириб уни барқарорлиги кафолатларини сақлаб бориш керак;

– иккинчидан, ротация механизмларини хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ;

– учинчидан, ротация механизмини босқичма босқич номарказлаштириб бориш керак, яъни Парламентни Қонунчилик палатасидаги фракциялари ҳажмига мутаносиб равишда уларни қўмиталардаги ўринлари миқдорини аниқ белгилаб қўйиб ундаги ўз вакиллариини ихтиёрий равишда ротациялаб бориши ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ.

Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасини қуйидаги таҳрирдаги саккизинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Сайлов якунлари бўйича олинган депутатлик ўринларини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланган муайян сиёсий партия фракциясига тегишли бўлган қўмита раиси ва унинг ўринбосари лавозимлари тегишли фракция раҳбари томонидан икки ярим йилда ўзаро ротация қилиниши мумкин”.

2.2. Ижро ҳокимияти тизимида ротация институтининг қўлланилиши механизми

Ижро ҳокимияти фаолиятида ротация институтини қўлланилиши кадрларни жой-жойига қўйишни яхшилаш, ижро органларида қонунийликни

¹ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2015 й. 24 январь. №16. (6199) сон.

таъминлаш ва интизомни мустаҳкамлаш, коррупциянинг, мансаб жиноятлари ва ноўрин хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадини кўзлайди. Бунга эришишдаги асосий вазифалар сифатида ижро ҳокимияти органларини кадрлар билан ўз вақтида ва сифатли тўлдириш, мавжуд кадрлар ресурсларидан тезкорлик билан мохирона фойдаланиш масалалари кўрилади.

Мазкур мақсадларга эришиш йўлида ижро органларининг ҳар бир турлари учун Ҳукумат томонидан махсус чора-тадбирлар амалга оширилиб борилади. Улар тегишли низомларда ва қарорларда ўз аксини топиб боради.

Ҳукумат томонидан ротация ўтказиш бўйича махсус тизимлар ишлаб чиқилади ва уларда ротацияни мақсади, уни ўтказиш учун бажариш лозим бўлган талаблар, вазифалар, тартиб ва кафолатлар белгиланади.

Бу соҳани тартибга солишда Ҳукумат ҳар бир ижро ҳокимияти органи соҳасини, унинг фаолияти хусусиятларини, давлат ҳокимияти тизимидаги тутган ўрнини инобатга олади. Масалан, бунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа давлат органлари турларини келтириш мумкин.

Ўзбекистонда ижро ҳокимияти ротация механизмини ҳуқуқий тартибга солувчи дастлабки ҳуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хизмат қилади. Асосий Қонунимизда ротациянинг режали ва режадан ташқари шакллари тартибга солинган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг режали ротация қилиниши унинг конституциявий ваколат муддати тугаши муносабати билан қайта шакллантирилиши орқали амалга оширилади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг ваколат муддати Конституцияда бевосита белгиланмаган ва у Олий Мажлиснинг конституциявий ваколат муддати билан боғлаб қўйилган. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида белгиланган “Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунига қадар мамлакат

Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради”, тартибидан келиб чиқади.

Шу билан бирга, қонунчиликда кейинги муддатга Вазирлар Маҳкамасининг таркибини шакллантиришда унинг аъзоларини янгиланиши ҳақидаги талаб қўйилмаган. Бу дегани, кейинги муддатга шакллантирилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари ўзгармаслиги мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг режадан ташқари ротация қилиниши урта ҳолатда юзага келиши мумкин: – *биринчиси*, Бош вазирни лавозимидан озод қилишда; – *иккинчиси*, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини лавозимларидан озод қилишда; – *учинчиси*, Олий Мажлис конституциявий ваколат муддати тугамасдан тарқатиб юборилганида¹.

Биринчи ҳолат бўйича, Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимидан озод этилади: а) Бош вазирнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан; б) Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда; в) Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қилган тақдирда; г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар етакчи фракциялари қўллаб-қувватласа ҳамда мазкур ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

¹ Хусаинов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2010. – Б.64-65.

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сони учдан икки қисмидан кўпроғининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади; д) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қабул қилинган Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилган тақдирда¹.

Бош вазирнинг лавозимидан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

Иккинчи ҳолат бўйича Ҳукуматнинг ҳар бир алоҳида аъзосига нисбатан режадан ташқари ротация қўлланилиши мумкин. У Ҳукумат ваколатининг конституциявий муддати тугашидан олдин унинг аъзосини лавозимидан озод этилиши орқали амалга оширилади. Жумладан, бундай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазир тақдимида биноан Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини лавозимларидан озод қилиш борасидаги Конституциянинг 93-моддаси 11-бандида белгиланган ваколати амалга оширилганида юзага келади. Учинчи ҳолат бўйича, Конституциянинг 95-моддасига биноан, Олий Мажлиснинг иккала палатаси тарқатилиб юборилгани муносабати билан унга янгитдан сайловлар ўтказилади. Мана шу пайтда Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида тегишинча муддатдан олдин ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши лозим бўлади.²

Марказий ҳокимият органлар тизимида таалуқли махсус ваколатга эга бўлган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланувчи божхона органларда ротация ўтказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 21 июль 2003 йил 321-сонли “Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларини тенг лавозимларга ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарор қабул қилган³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003. 9-10-сон, 138-модда.

² Хусайнов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2010. – Б. 66.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. 8-сон.

Унга кўра, уларни ҳудудий бўлинмаларининг бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларини – ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, бўлинмалар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош мутахассис, етакчи ва бошқа маъсул ходимларни тенг лавозимларга ўтказилиши (алмаштирилиши) тартиби ва шартларини белгилаб берилади.

Кадрлар алмаштирилиши ваколатли шахслар томонидан уларнинг ваколатлари доирасида:

– бир ҳудудий бошқармасининг бир таркибий бўлинмасидан бошқа таркибий бўлинмасига ўтказиш;

– бир ҳудудий бошқармасидан бошқа ҳудудий бошқармасига ўтказиш бўйича тегишли тадбирлар ўтказилиши йўли билан амалга оширилади.

Кадрлар алмаштирилишидан олдин: номзодлар изланади; номзодларнинг амалий ва шахсий фазилатлари ўрганиб чиқилади; тегишли раҳбарлар томонидан белгиланган тартибга мувофиқ лавозимга тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши учун зарур бўлган ҳужжатлар расмийлаштирилади; тегишли ҳуқуқий ҳужжатда (Низомда) назарда тутилган ҳолларда мансабдор шахснинг розилиги олинади.

Кадрларни алмаштириш тегишли ижро ҳокимияти органининг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бошқармаларининг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда режали амалга оширилади.

Кадрларни алмаштириш учун: а) ташкилий-штат тадбирлари ўтказилиши; б) бўш лавозимларни тўлдириш зарурлиги; в) мансабдор шахсларнинг хизматга доир ва шахсий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги; г) мансабдор шахснинг янги мутахассислик бўйича тайёргарликдан ўтиши ёки ўқиши; д) мансабдор шахс соғлиғининг ўзгариши; е) мансабдор шахснинг муайян ёшга тўлиши; ж) мансабдор шахснинг оилавий аҳволи асос бўлиши мумкин.

Кадрларни алмаштириш: ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига, бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига,

бўлинмалар бошлиқларига нисбатан – қоидага кўра, улар эгаллаб турган лавозимда белгиланган муддат доирасида (ўртача уч-беш йил) хизмат қилганларидан кейин тегишли бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига нисбатан – қоидага кўра, эгаллаб турган лавозимда бир-икки йил хизмат қилганларидан кейин тегишли ижро ҳокимияти органининг буйруғи асосида; бош мутахассислар, етакчи мутахассислар ва маъсул ходимларга нисбатан: қоидага кўра, эгаллаб турган лавозимда бир-икки йил хизмат қилганларидан кейин ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари асосида амалга оширилади.

Кадрларни алмаштириш шунингдек: хизмат суриштируви натижалари; малака комиссиясининг қарори; мансабдор шахсларнинг ўзларининг ташаббуси асосида кўрсатилган муддат тамом бўлгунга қадар ҳам амалга оширилиши мумкин. Юқори турувчи органларнинг номенклатурасига тегишли бўлган кадрлар алмаштирилиши белгаланган тартибда улар билан келишилади.

Агар битта ҳудудий бошқармаси доирасида янги хизмат жойи бошқа ишга ўтказилган мансабдор шахснинг яшаш жойидан 100 километрдан ортиқ узоқликда бўлса, шунингдек битта ҳудудий бошқармасидан бошқасига кадрлар алмаштирилишига алмаштирилаётган мансабдор шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Айни бир ҳудудий бошқармаси доирасида ўша жойдаги бошқа таркибий бўлинмага мансабдор шахснинг мутахассислиги ва малакасини ҳисобга олган ҳолда иш топшириш тарзидаги алмаштиришга, шунингдек 5-банднинг “а”, “б” ва “в” кичик бандларида назарда тутилган ҳолларда алмаштиришга мансабдор шахснинг розилигн талаб қилинмайди.

Мансабдор шахслар томонидан илгари бажариб келинган вазифалар хусусияти ўзгариши тақозо қилинадиган ҳудудий бошқармаларнинг таркибий бўлинмаларига ишга ўтказилаётган мансабдор шахслар учун улар ўтказилаётган таркибий бўлинмалар ихтисослиги бўйича тегишли назарий ва амалий тайёргарлик курси ташкил этилади. Мансабдор шахсларнинг лавозим

мажбуриятларини мустақил ижро этишга улар Ушбу таркибий бўлинмаларда стажировкадан ўтгандан кейин ҳудудий бошқармаси бошлиғи томонидан рухсат берилади.

Агар ҳудудий бошқармаси ичида янги хизмат жойи бошқа ишга ўтказилган мансабдор шахснинг яшаш жойидан 100 километрдан ортиқ узоқликда бўлса, шунингдек бир ҳудудий божхона бошқармасидан бошқасига кадрларни алмаштиришда тегишли ижро ҳокимияти органи белгиланган тартибда: мансабдор шахс ва унинг оила аъзолари янги хизмат жойига кўчиб ўтиши билан боғлиқ харажатларни қоплайди; амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа моддий тўловлар тўлайди.

Агарда бу марказий ижро ҳокимияти органи бўлса унда у Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда: зарурат бўлганда алмаштириш тартибида бошқа ишга ўтаётган ходимларни ўзининг махсус жамғармаси маблағлари ҳисобига оила билан бирга яшаш имконини берувчи қулайликлари бўлган хизмат квартираси билан таъминлайди; мансабдор шахснинг оила аъзоларини ишга жойлаштиришда, уларнинг болаларини ўқув юртлари ва мактабгача муассасаларга жойлаштиришда ёрдам кўрсатади.

Ижро ҳокимияти органларининг бошқа таркибий бўлинмада хизматни ўташ учун алмаштириш тартибида бошқа ишга ўтказилган мансабдор шахсларига мазкур таркибий бўлинмада мавжуд бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш нормаси, моддий-маиший таъминот, ижтимоий муҳофаза ва имтиёзлар жорий этилади.

Мансабдор шахс янги хизмат жойида бўлиш муддати тамом бўлгандан кейин тегишли ижро ҳокимияти органининг тизимида янги хизмат жойига ўтиш масаласи бўйича белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ротация ўтказиш айниқса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун муҳим аҳамиятга эга¹. Ушбу органлар кадрлар захирасини доимо тўлдириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси маҳаллий ҳокимиятлар тизимида махсус тузилмани ташкил этилишини кўзда тутган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 3 августдаги 303-сон “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида” Қарорида² маҳаллий ҳокимликларга қуйидаги талаблар қўйилган:

– биринчидан, ҳокимликни давлат сиёсати тамойилларини жорий этишга қодир бўлган тажрибали ва лаёқатли мутахассислар билан тўлдирилиши лозимлиги;

– иккинчидан, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбарлари мақомига кўра тегишли ҳоким ўринбосарларига тенглаштирилди;

– учинчидан, ҳокимликларнинг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳлари зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилди: раҳбарлик лавозимларига кадрлар тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш тизимини яратиш ва мувофиқлаштириш; ҳудудларда кадрларга бўлган эҳтиёж асосида амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш, уларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимларга тайёрлаб бориш, қайта ўқитиш ва пировард натижада замонавий раҳбар тайёрлаш тизимини яратиш; ҳудудларда мунтазам равишда кадрлар билан ишлашнинг аҳволини таҳлил қилиш, ёш истеъдодли, мустақиллигимиз ғояларига содиқ бўлган ватанпарвар, фидоий кадрларни танлаш ва улар тўғрисида ҳокимият раҳбариятига ахборот ва таклифлар бериб бориш; раҳбар кадрлар алмашинуви (ротация) эҳтиёжларини ўрганиб бориш ва таклифлар киритиш; таълим муассасалари ва ўқув юртлари билан кадрларга бўлган эҳтиёж юзасидан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш; ҳудудлардаги кадрлар тўғрисидаги маълумотларни

¹ Джагарян Н.В. Муниципальное представительство в системе российской государственности: правовое регулирование и реализация: Дисс. ... докт. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2015. – С. 22.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2000. 8-сон.

Ўзида жамлаган ягона компьютер маълумотлар базасини яратиш ва ундан доимий равишда самарали фойдаланиш;

– тўртинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари кадрлар бўйича давлат сиёсати тамойилларининг амалга оширилиши, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш учун шахсан жавобгардиги белгиланди. Икки ой муддат ичида уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташкилий-кадрлар ишлари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати билан биргаликда ҳокимликларнинг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳларини махсус билим ва тайёргарликка, касбий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган, ўз билими ва ишчанлик малакаси бўйича давлатнинг кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш сиёсатини амалга оширилишини таъминловчи кадрлар билан янгилаш ва тўлдириш юклатилди;

– бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли ҳокимликлар ходимларининг чекланган штатлари сони доирасида, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси ва бошқарув органлари ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш бўйича гуруҳлар жадвалидан келиб чиқиб вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари аппарати ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбарлари иш ҳақини ягона тариф сеткаси бўйича шу даврда белгиланадиган бир разрядга кўтарилган ҳолда молиялаштиришни таъминлаши юклатилди.

Ижро ҳокимияти органларида ротацияни махсус тартибда қўлланилишининг ҳуқуқий асослари мавжудлигини мисоли сифатида Ўзбекистон Давлат солиқ, божхона қўмиталарининг кадрлар ротацияси ўтказиш борасидаги махсус Низомларини келтириш мумкин. Жумладан, бу Вазирлар Маҳкамасининг: 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарорининг 3-иловасида “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Режим ва кадрлар бош бошқармаси тўғрисида” ва 5-иловасида “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғрисида”ги

белгиланган Низомлар;¹ 2003 йил 21 июлда 321-сонли “�збекистон Республикаси божхона органларининг бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларини тенг лавозимларга ўтказиш тўғрисида”ги Низом².

Ўз навбатида ижро ҳокимияти органларига тегишлича кадрларни ротацияси соҳасида қуйидаги вазифалар юклатилган:

- кадрларни танлаш ва жойи-жойига қўйиш тадбирларини уларнинг ахлоқий ҳамда ишчанлик фазилатларига, амалий иш тажрибаларига мувофиқ амалга ошириш;
- кадрларни танлаш билан боғлиқ ишларнинг самарали шакллари ва услубларини жорий этиш;
- раҳбарлик лавозимлари учун малакали захирани шакллантириш; касбий тайёргарлик ва ҳуқуқий онгнинг юқори даражасига эришиш мақсадида ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва малакасини ошириш;
- барча бўлинмаларда ахлоқий муҳитни яхшилаш; давлат ходимлари билан иш олиб боришни назарда тутувчи олдини олиш-профилактика тадбирлари тизими ташкил этиш;
- кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқитиш тизимини доимо такомиллаштириб бориш, таълим комплексларини ташкил этиш;
- ўқув тузилмаларини етакчи мутахассислардан иборат юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;
- тегишли ўқув муассасалари учун илмий асосланган ўқув дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;
- кадрлар таркиби билан ишлаш учун маълумотларнинг норматив, ахборот компьютер базасини яратиш ва кадрларни шакллантириш, ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) ишлари бўйича барқарор, изчил, узлуксиз жараенни таъминлаш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2000. 5-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2003. 8-сон.

Ротация соҳасида юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги асосий функцияларни бажарилиши белгиланади:

□ давлат органининг ҳудудий органларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ишларини ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш;

□ давлат ходимларининг лавозим малака тавсифномаларини ишлаб чиқиш, раҳбарлар, мутахассисларни аттестациядан ўтказиш ва уларга махсус унвонлар бериш учун материаллар тайёрлаш;

□ давлат органларининг раҳбар кадрлари билан иш олиб бориш, уларни туғри танлашни ва жой-жойига қўйишни, ахлоқий ҳамда ишчанлик фазилатларини ўрганишни таъминлаш;

□ ҳудудий тузилмавий бўлинмалар раҳбарларини алмаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, белгиланган тартибда раҳбарлик ишларига кўтариш учун кадрларнинг жорий ва истиқбол захирасини шакллантиш;

□ давлат органини кадрлар билан тўлдириш ва ходимларнинг сифат таркибини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш, кадрларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш, бўлинмаларни мутахассислар билан тўлдириш манбаларини белгилаш;

□ давлат органи учун мутахассислар тайёрлашда тегишли ўқув муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ўқув жараёнида раҳбарлар таркиби ва етакчи мутахассисларининг катнашишларини таъминлаш;

□ ўз соҳасидаги ўқув бўлинмаларига ташкилий ва услубий раҳбарлик қилиш, ходимларни ўқитишнинг маъно-моҳиятини, шакллари ва усулларини белгилаш;

□ давлат органида ахлоқий даражани ошириш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, ходимларни ватанпарварлик руҳида, ҳукуқий, маънавий ва маърифий руҳда тарбиялаш ишларини олиб бориш;

□ кадрлар қўнимсизлиги ва уларнинг алмашувини камайтириш, мутахассисларнинг ишда жойлашиб келишини таъминлаш чора-тадбирларини олиб боради.

Мазкур ижро ҳокимияти органларининг ротация ўтказиш тартибини таҳлил қилиш натижасида шундай хусусият аниқланмоқдаки, уларни асосан ротацияни режали шакли қўлланилади ва фақат айрим ҳолларда ходимни ёки маъмуриятни таашаббуси билан режадан ташқари ротация амалга оширилади.

Вилоят, туман ва шаҳарлар доирасида мунтазам ротация тизимининг йўлга қўйилиши ҳам ҳудудларда давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасида янги қисм қилиб, вилоят, туман ва шаҳар ижроия органлари раҳбарлари ҳамда тегишли ҳудудда назорат ваколатларини амалга ошираётган ижроия органларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳар уч йилда ротация қилиниши тўғрисида қондани мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ротацияси билан боғлиқ яна бир масала бу улар фаолиятини баҳолаш муаммосидир. Чунки, айнан ушбу масала кейинчалик улар ротациясини ўтказишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу мақсадда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда улар фаолиятида ротация институтини қўллаш имкониятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунини “**Ҳоким фаолиятини баҳолаш**” деган 21¹-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Бу ерда хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, режали ротацияни самарали ўтказиб бориш учун биринчидан, кадрлар захирасини сифатли номзодлар билан узлуксиз тўлдириб бориш керак ва иккинчидан, мавжуд бўлган ходимларни изчил малакасини ошириш борасида чора тадбирлар қўллаб бориш талаб этилади.

2.3. Суд ҳокимияти тизимида ротация институтини қўллашнинг аҳамиятли жиҳатлари

Президент И.Каримов таъкидлаганидек, “...жиноят процессининг судгача бўлган босқичида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтириш бўйича чоралар амалга оширилди, “Хабеас корпус” каби демократик институтни қўллаш соҳаси кенгайтирилди. Умумий юрисдикция судлари фаолиятининг таркибий тузилиши ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, суд идоралари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.”¹

Суд ҳокимиятида ротация институтининг қўланилишини хусусиятлари уни давлат функцияларини бажаришининг хусусиятларидан, яъни бу дегани давлат тизимидаги тутган ўрнидан бевосита келиб чиқади.

Ўз навбатида давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан фарқли ўлароқ суд ҳокимияти сиёсий жараёнларга камроқ киришади ва уни асосий вазифаси қонунларни қўллаш жараёни билан боғлиқ. Шунинг учун у қонунчилик ва ижро ҳокимиятларидан аниқроқ бўлинган.

Худди шундай юридик табиатга эга бўлган суд органлари бошқа барча давлат органларига нисбатан ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради. Бу дегани уларни ҳуқуқий ҳолатидаги ротацияга бўлган эҳтиёжи кўпроқ режали шаклига асосланиши мумкин. Бундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, суд ҳокимияти фаолиятида ротацияни қўллаш масаласида айнан шу хусусиятни асосий деб тан олиш мумкин.

Шу тариқа, режали ротация кадрларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлса, режадан ташқари ротация кадрларни ротациялашда объектив ва субъектив сабаларга кўра тезкорлик услуби билан ўтказилиб кўпроқ

¹ Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат”. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Халқ сўзи. 2015й. 06 декабрь, №236 (6419) сон.

кадрларни “тозалаш”га қаратилади. Суд ҳокимияти фаолиятидаги ротацияни қўлланилишида кадрларни барқарорлаштиришига қаратилган принципни тан олиш мақсадга мувофиқ. Бу дегани суд органларига нисбатан қўлланиладиган ротация механизми судьяларни мустақиллиги ва суд органларининг барқарор фаолиятига путур етказмаслиги лозим.

Ўз навбатида Ўзбекистонда бу соҳадаги амалдаги қонунчиликда мазкур белгилар етарли даражада таъминланмаган ва улар такомиллаштирилишни талаб этади. Бундай такомиллашувни амалга ошириш учун иккита асосий услубни қўллаш мақсадга мувофиқ: *биринчиси*, бу Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг асосий принциплари, *иккинчиси*, бу демократик хорижий мамлакатлар тажрибаларининг умумий қонуниятлари.

Уларнинг амалий ҳолатини ўрганганда шу натижа келиб чиқадики, Ўзбекистондаги суд ҳокимиятида ротацияни қўллаш принциплари ривожланган давлатлар амалиётида қўлланилиб келинмоқда, аммо Ўзбекистонни ўзида улар ҳали етарлича ўз тасдиғини топмаган.

Ўз навбатида демократик давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда судьялар умрбод ёки узоқ муддатга ўз лавозимларини эгаллайдилар, шунингдек улар лавозимидан чекланмасликлари учун ўта ишончли кафолатлар яратилган. Уларнинг Конституциялари ва қонунчилик нормаларида акс этган, судьяларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ бўлган қоидаларда аксарият ҳолда, судьяларни қайси муддатга тайинланишлари кўрсатилмайди. Алмашмаслик принципи билан ҳам-оҳанг бўлган ҳолда бундай қоида муддатсиз ёки умрбод тайинланиш сифатида тушунилади. Лекин “умрбодликни” мутлақ деб тушунмаслик лозим. Қоида тариқасида, судьялик маълум бир ёшга етиб келганидан сўнг тугаши белгиланади¹. Аниқ бир муддатга тайинланиш ҳолатлари хорижий тажрибада камроқ учрайди².

Улардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда судьяларни режали ротацияси ҳар беш йилда амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси

¹ Масалан, Буюк Британияда судьялар 72 ёшга тўлгач истъефога чиқишлари шарт, Японияда – 65 ёшда.

² Масалан, Япония, Грузияда судьялар 10 йилга тайинланадилар, Украина, Молдовада – олдин бир муддатга, кейинчалик муддатсиз даврига.

Конституциясининг 107-моддаси мазмунидан Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган судларидан иборатлиги англашилади¹. Бундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда судьяларни режали ротация муддати босқичма босқич узайтириб бориш лозим ва бу борадаги ислохотлар йўналишининг мазмунини судьяларни ўз лавозимида барқарор бўлишларини таъминлаш ғояси ташкил этиши керак.

Шу билан бирга судьяларни барқарорлигига уларга нисбатан режадан ташқари ротацияни қўлланилиши механизмлари ўзини катта таъсирини кўрсатиш хусусиятига эга. Бундай ротацияни энг нозик томони шундаки, ротацияни ўтказиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс судьяни асоссиз ёмонроқ шароитга ўтказишни қўллашга имкониятларга эга бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда бундай ротация тартиби судьяларни мустақиллигига путр етказди ва судьяни ротация ўтказувчини олдида заиф қилиб қўйиш муҳитини вужудга келтиради. Шунинг учун ротация механизмлари жуда пухта ва ҳар томонлама мукамал ишлаб чиқилган тизимга асосланиши лозим.

Ўзбекистонда судьяларни режали ротацияси муддати босқичма босқич узайтириш ва ҳар томонлама ислох қилиб бориш лозим. Шунингдек, бу борадаги ислохотлар йўналишининг мазмунини судьяларни ўз лавозимида барқарор бўлишларини таъминлаш ғояси ташкил этиши керак. Масалан, судьяларнинг ваколат муддати Германияда (Федерал Конституциявий суд судьялари – 12 йил), Францияда (Кассация суди судьялари – 9 йил), Буюк Британияда, АҚШда (Қуролли кучлар Апелляция суди судьялари – 15 йил, банкротлик ишлари бўйича судлар судьялари – 14 йил) умрбод, Япония, Кореяда – 10 йил, Озарбайжонда – 15 йил, Россия Федерациясида – Конституциявий суд судьялари – 12 йил, федерал судлар судьялари дастлаб уч йил сўнгра умрбод, Украинада – Конституциявий суд судьялари – 9 йил, қолган судлар судьялари дастлаб 5 йил, сўнгра умрбод. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, судлар фаолиятида мустақилликни янада кучлироқ таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2015. 107-модда. Б. 58-59.

63-моддаси тўртинчи қисмини қуйидаги таҳрирда ўзгартириш мақсадга мувофиқ:

“Судьялар ўн йил муддатга сайланади ёки тайинланади. *Вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судларнинг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари ўз ваколат муддати давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ротация қилиниши мумкин*”.

Мазкур масалани муҳимлигини тан олиб ва унга алоҳида эътибор қаратиб Ўзбекистонда суд ҳокимияти соҳасидаги ротацияни қўллашни мукамал тартибга солиш мақсадида бир қанча норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинган. Уларни ягона бир тизимга бирлаштириш ва қуйидаги турларини келтириш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164-П-сонли қарори билан тасдиқланган “Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низом”¹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги ПФ 2943-сон фармонида илова “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида Низом”, “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида Низом”², “Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида Низом”, “Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом”³.

Суд органларида ротация ўтказилишида судьялар малака ҳайъатлари муҳим роль ўйнайди. Судьяларнинг малака ҳайъати: судьялик лавозимига номзодларни танлаш; бўш судьялик лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

¹ Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. 2001. 8-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. N 1-2, 12-модда.

³ Хусаинов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2010. – 90 б.

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига таклифлар киритиш; судьянинг интизомий жавобгарлиги; судьянинг ваколатларини тўхтатиш ёки муддатидан илгари тугатиш; судьянинг дахлсизлигини таъминлаш; судьяни малака аттестациясидан ўтказиш ҳамда унга малака даражасини бериш; судьялар захирасини шакллантириш; халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш ишларини ташкил қилиш масалаларини кўриш учун тузилади.

Суд ходимларига мансаб даражалари ижобий аттестацияси, олий юридик маълумоти мавжуд бўлган тақдирда, малакаси, эгаллаб турган лавозими ва иш стажига қараб, шунингдек илгариги иш ёки хизмат жойида берилган махсус унвонини эътиборга олган ҳолда навбати билан берилади.

Шу билан бирга мазкур кўрсатилган чоралар ротация ўтказишда муҳим бўлсада, лекин ёрдамчи воситачиликни ўтайди. Бунда асосий ўринни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси эгаллайди. Комиссия суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштиришни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги доимий ишловчи орган ҳисобланади. Унинг зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьяларини танлаш ва лавозимларга тавсия этиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судларнинг судьяларини лавозимларга тақдим этиш вазифалари юклатилади.

Юқорида ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики Комиссия фаолиятида етарлича аниқлик мавжуд эмас. Бу Комиссия тўғрисидаги Низомни 24-моддасининг қуйидаги ҳолатларидан келиб чиқмоқда: “Судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва тавсия этиш масалаларини ҳолисона кўриб чиқиш мақсадида Комиссия зарур ҳолларда ўз мажлисларига

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Судьялар уюшмаси вакиллари ни таклиф қилиш ҳамда кўриб чиқилаётган масала бўйича уларнинг фикрини эшитишга ҳақлидир”.

II боб бўйича хулоса:

1. Парламентдаги ротация унинг палаталари доирасида алоҳида амалга оширилиб борилади ва у ҳокимиятни бошқа тармоқларининг органларига нисбатан ўзининг хосликларига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ротация иккала палаталарнинг ҳар бирига ёки уларни аъзоларига қўлланилади, яъни Қонунчилик палатасининг депутатларига ва Сенат аъзоларига. Парламентга нисбатан қўлланиладиган ротация режали ва режадан ташқари шаклларида амалга оширилиши мумкин. Бу соҳадаги ротацияни асосий хусусияти шундаки, унда режали ротация Парламентни ҳар бир палатасига нисбатан бир хил, фақат битта усулни қўллаш билан амалга оширилади – бу навбатдаги сайловлар ўтказиш йўли билан.

2. Парламент фаолиятида режали ротациядан фарқли ўлароқ режадан ташқари ротация кенгроқ қўлланилади. Ротациянинг бундай тури иккита шаклларда амалга оширилади: биринчиси – депутат ёки сенаторни палатадаги лавозимида алмаштириш орқали; иккинчиси – Парламентдаги депутат ёки сенаторни мандатидан маҳрум қилиш услубини қўллаш орқали, яъни Парламент палаталарини тарқатиб юборилганлиги натижасида.

3. Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимиятида ҳам ротация механизмнинг режали ва режадан ташқари шакллари ҳуқуқий тартибга солинган. Вазирлар Маҳкамасининг режали ротация қилиниши унинг конституциявий ваколат муддати тугаши муносабати билан қайта шакллантирилиши орқали амалга оширилади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг ваколат муддати Олий Мажлиснинг конституциявий ваколат муддати билан боғлаб қўйилган. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида белгиланган “Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг

янги таркиби шакллантирилгунига қадар мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради”, тартибидан келиб чиқади.

4. Шу билан бирга, қонунчиликда кейинги муддатга Вазирлар Маҳкамасининг таркибини шакллантиришда унинг аъзоларини янгиланиши ҳақидаги талаб қўйилмаган. Бу дегани, кейинги муддатга шакллантирилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари ўзгармаслиги мумкин.

5. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг режадан ташқари ротация қилиниши қуйидаги учта ҳолатда юзага келиши мумкин: биринчиси, Бош вазирни лавозимидан озод қилишда; иккинчиси, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини лавозимларидан озод қилишда; учинчиси, Олий Мажлис конституциявий ваколат муддати тугамасдан тарқатиб юборилганида.

6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасини қуйидаги таҳрирдаги саккизинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: “Сайлов яқунлари бўйича олинган депутатлик ўринларини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланган муайян сиёсий партия фракциясига тегишли бўлган кўмита раиси ва унинг ўринбосари лавозимлари тегишли фракция раҳбари томонидан икки ярим йилда ўзаро ротация қилиниши мумкин”.

7. Вилоят, туман ва шаҳарлар доирасида мунтазам ротация тизимининг йўлга қўйилиши ҳам ҳудудларда давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасида янги қисм қилиб, вилоят, туман ва шаҳар ижроия органлари раҳбарлари ҳамда тегишли ҳудудда назорат ваколатларини амалга ошираётган ижроия органларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳар уч йилда ротация қилиниши тўғрисида қонидани мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

8. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ротацияси билан боғлиқ яна бир масала бу улар фаолиятини баҳолаш муаммосидир. Чунки, айнан ушбу масала кейинчалик улар ротациясини ўтказишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу мақсадда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

фаоляти самарадорлигини ошириш ҳамда улар фаолятида ротация институтини қўллаш имкониятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунини “Ҳоким фаолятини баҳолаш” деган 21¹-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

III БОБ. РОТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР

3.1. Ротация институтини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш фуқароларга оммавий хизмат кўрсатилиши сифатининг оширилиши, иқтисодиётнинг самарадорлиги ва фуқаролик жамияти ривожини таъминлайдиган давлат ҳокимияти органларининг муносиб тизимини яратишни талаб этади. Бундай механизмнинг асосини замонавий кадрлар технологиялари ташкил этиши керак. Унга, жумладан, қуйидагилар киради: давлат фуқаролик хизмати лавозимига танлов натижалари бўйича тайинлаш; давлат хизматчиларининг танлов асосида ўсишига кўмаклашиш; давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаш учун кадрлар захирасини шакллантириш ва қўллаш; аттестация ва малака имтиҳонини ўтказиш орқали давлат фуқаролик

хизматчиларининг профессионал хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш; хизматчиларни ротация қилиш ва бошқалар. Масалан, бундай тартиб Япония, Франция давлатларида махсус қонун билан тартибга солинган. Шу боис ҳам юқоридаги тажрибани Ўзбекистонда ҳам қўллаш ижобий натижа беради.

Давлат хизмати учун кадрларни тайёрлашнинг халқаро тажрибасини тадқиқ қилиб, барча мамлакатлар учун умумий бўлган бир қатор хусусиятларни ажратиш мумкин. Давлат хизматчисининг мақоми, қоида тариқасида, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солиниб, бир қатор талабларни бажаришни тақозо этади¹. Масалан, давлат хизматига кириш учун лозим бўлган шарт сифатида асосий маълумотга ва махсус соҳавий тайёргарликка эга бўлиш талаб этилади. Ундан ташқари, кадр ўсиши учун давлат хизматчиси хилма-хил қайта-қайта тайёргарлик кўриши, малака ошириш курсларига тез-тез қатнаб туриши, стажировка ўтаб туриши лозимлиги ва бошқалар².

Хорижий мамлакатлардаги парламент фаолияти соҳасидаги ротация институтини аксарият ҳолда парламент аъзолари бўлмиш депутатлар ва сенаторларни режадан ташқари ротациялаш тартиби бўйича тажрибаси Ўзбекистон учун ҳам истиқболли ҳисобланади.

Бунда парламент аъзоларини режадан ташқари ротациясининг иккита турини қўллаш истиқболлари мавжуд: бу, тўла ротация; иккинчиси, қисман ротация.

Бу ерда тўла ротация парламент аъзосини мақомидан маҳрум қилиб, уни тўла мандатини янгилашдан иборат. Бунда парламентдаги қуйидаги ротация механизмларини таққослаш истиқболлари юзага келмоқда:

биринчиси, бу парламент палатасининг ўз аъзосига нисбатан интизомий таъсир чораларини кучайтириши ва кенгайтириши;

¹ Кривко М.Н. Положительный имидж государственных служащих - залог эффективного функционирования государства // Современные тенденции в государственном управлении, экономике, политике, праве: сборник статей международной научно-практической конференции молодых ученых (Ростов-на-Дону, 29 ноября 2013 г.). – Ростов н/Д: Изд-во ЮРИФ РАНХиГС, 2013. – С.110-111.

² Хусаинов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2010. – 123-124 б.

Иккинчиси, парламентни тарқатиб юбориш механизмларини такомиллаштириш. Унинг натижасида ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари орасида мувозанатни таъминлаш мақсадида парламентни тарқатиб юбориш юзасидан қўшимча механизмларини киритиш. Бу хусусан: парламентни ташаббусига кўра ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳолатида; ҳукумат томонидан парламент олдида ишонч билдириш масаласи қўйилганида бундай ишонч парламент томонидан билдирилмаганда; агарда парламент белгиланган муддат ичида давлат бюджетини қабул қилмаса. Барча мазкур вазиятлар парламентни тарқатиб юбориш ва натижада уни аъзоларини тўла ротациялашга олиб келади.

Парламент аъзоларини режадан ташқари ротациясини иккинчи тури бўлмиш қисман ротация депутат ва сенаторларни мақомидан тўла маҳрум қилиб уларни қайта сайлаш эмас, балки парламент ичидаги тузилмавий бўғинларининг орасида лавозимлардан кўчириб туришдан иборат.

Ўз навбатида парламентда қуйидагича лавозимлар турлари мавжуд: палата раиси унинг ўринбосарлари, фракция раислари, қўмиталар раислари, уларнинг ўринбосарлари, котиблари, қўмита аъзолари. Жумладан, Ўзбекистонда мазкур лавозимларни эгаллаш тартиби 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларда, 2003 йил 29 августдаги Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ҳар бирини алоҳида регламентларида, палаталарни қўмита ва комиссиялари тўғрисидаги Низомларда белгиланган. Шу лавозимларда ишлаб келаётган мансабдор шахсларни ротацияси режадан ташқари шаклда амалга оширилади, чунки аксарият хорижий давлатлар тажрибасида улар вакиллик органининг конституциявий ваколат муддатига тайинланадилар.

Ушбу масалада алоҳида давлатлар қонунчилигига мурожаат этадиган бўлсак, Японияда давлат хизматчилари ротацияси тизими уларнинг

малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг бир қисми ҳисобланиб, хизматчиларни горизонтал ва вертикал йўналишда ҳар икки-уч йилда ўзгартириб туришни кўзда тутди. Бунда ходимнинг розилиги талаб этилмайди, турар жойини ўзгартириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно. Японияда ротация барча даражадаги мансабдор шахсларни қамраб олади¹.

Адабиётларда меҳнат ротацияси япон меҳнатни бошқариш тизимининг ўзига хос моделининг муҳим хусусиятларидан бири сифатида эътироф этилади². Японияда ротация автомобилсозликка ихтисослашган компаниялар, шу жумладан, “Toyota”, “Honda”, “Mitsubishi”, “Nissan”, электротехника компанияларида, хусусан, “Sony”, “Matsushita”, “Canon” каби фирмаларда, банкларда, масалан, Япония узоқ муддатли кредитлаш банки ва давлат хизматида кенг қўлланилади³.

Германияда эса, 2004 йилда Федерал Ички Ишлар Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Федерал ҳокимият органларида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган дастурга кўра, ушбу муаммони ҳал қилишнинг муҳим усулларида бири бу мансабларнинг коррупциявийлик даражасини тизимли таҳлил қилиш асосида юқори кўрсаткични кўрсатаётган лавозимларда хизмат муддатини чеклаш ва ротация қилиш кўзда тutilган. Башарти, коррупциявийлик даражаси юқори бўлган лавозимда хизмат қилиш муддатини узайтириш зарур бўлса, унда архивда мансаб ваколатларини узайтириш сабаби кўрсатилган алоҳида қайд киритилади. Бу эса, ўз навбатида кадрлар ротацияси устидан назоратни кучайтиради ҳамда қабул қилинган қарор учун жавобгарликни аниқлаштиради.

Германияда 1957 йилда ҳудудий амалдор мақомини йўлга солувчи ҳуқуқларни ихчамлаштириш тўғрисида Федерал қонун қабул қилинган эди. Ҳозирги вақтда у 1985 йилдаги таҳрирда амал қилмоқда. Мазкур қонуннинг аксарият меъёрлари тавсия хусусиятига эга. 1986 йилда “Амалдорлар маоши

¹ Inoki T. Personnel Exchange among Central and Local Governments in Japan / Working Paper. Washington, DC: World Bank Institute, 2005.

² Рудык Э. Управления трудом в Японии: уроки для России // Альтернативы. – 2002. – №1. – С.44.

³ Усов Е.Г. Формирование системы ротации персонала: Дисс. ... докт. юрид. наук. – Иркутск, 2015. – С.55.

тўғрисида”ги Қонун, 1987 йилда “Йиллик таътиллارга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Қонун, 1973 йилда “Федерал амалдорлар, судьялар ва ҳарбий хизматчиларга йўл харажатларини қоплаш тўғрисида”ги Қонунлар эълон қилинган эди. Бу қонунлардан ташқари ГФРда давлат муассасалари ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида, федерал амалдорларнинг иш вақтлари тўғрисида, федерал амалдорларнинг таътиллари тўғрисида ва айрим бошқа масалалар тўғрисида ҳукумат фармойишлари эълон қилинган¹.

Хитой Халқ Республикасида давлат органларида ротация тартиби 1993 йилда Давлат Кенгаши Доимий бюроси иккинчи мажлисида жорий этилган бўлиб, умумий хусусият касб этади, яъни барча даражадаги ҳокимият органларига татбиқ этилади. Таъкидлаш лозимки, умумий ротация ХХРдан ташқари, Сингапур, Тайвань, Ҳиндистон каби шарқий давлатларда ҳам қўлланилади. Масалан, 1973 йил июлида Сингапур Молия вазирлигида порахўрликка қарши махсус дастур иш бошлаган бўлиб, у барқарор порахўрлик алоқалари шаклланишидан қочиш мақсадида амалдорлар ротациясини жорий қилган.

ХХРда ротациянинг асосий принципи – нисбатан қулай ва мақбул соҳилбўйи минатақалардан минтақанинг ички қисмидаги унчалик ҳам қулай бўлмаган ҳудудларга кўчиришдан иборат. Ротация ҳар 5 йилда амалга оширилади. Хизматчилар давлат агентлиги ичида ҳам ўзгартирилиши ёки бўлмаса, қайта малакаланиш орқали бошқа бўлинмага ўтказилиши ҳам мумкин. Ротация жараёни учун Меҳнат вазирлиги масъул ҳисобланади. ХХРда барча даражадаги давлат органлари ротация тартибида давлат хизматчиларини қабул қилиш учун муайян миқдорда бўш ўринларга эга бўлишлари лозим².

Ротация масаласи Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 25 ноябрда қабул қилинган “Қозоғистон Республикасида давлат хизмати тўғрисида”ги

¹ Давлат хизмати: ўқув қўлланма / Э.Т.Ҳожиев, Г.С.Исмаилова, М.А.Рахимова. – Тошкент: Baktria press, 2015. – Б.97-98.

² Солодов В.В., Михайлова Е.В. Ротация как механизм повышения эффективности правоохранительной службы Российской Федерации // Государственное управление. Электронный вестник. – 2010. – №22. – С.2-3.

№416-V-сонли Қонунда ҳам ўз аксини топган. Хусусан унинг 33-моддасига (“Давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш”) мувофиқ, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш натижалари уларни ротацияси тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, Қонуннинг 41-моддаси бевосита маъмурий давлат хизматчилари ротациясига бағишланган. Унга кўра, давлат хизматини ўташ мобайнида профессионал имкониятдан янада самаралироқ фойдаланишни таъминлаш мақсадида маъмурий давлат хизматчиларининг ротацияси амалга оширилади. “А” корпус^{*} маъмурий давлат хизматчилари ротацияси деганда, уларнинг хизмат фаолиятини режалаштириш доирасида “А” корпусдаги бўш ёки вақтинча бўш давлат лавозимларига мансабга ўтказилиши тушунилади. Қонунда дипломатик хизмат фаолиятида¹ ротацияни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Ушбу моддага кўра, ротацияни ўтказиш тартиби ва муддатлари, ротация қилиниши лозим бўлган маъмурий давлат хизматчилари мансаблари Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши кўзда тутилган. Бошқа ҳудудга ротация қилишда маъмурий давлат хизматчилари хусусийлаштириш ҳуқуқсиз хизмат уй-жойи билан таъминланади. Ногирон, ҳомиладор, ўн тўрт ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган ёлғиз ота-она, ногирон болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган) бўлган (ҳомийлигида бўлган) ёхуд қарамоғида қари ота-онаси бўлган маъмурий давлат хизматчиларининг бошқа ҳудудга кўчиб ўтиши билан боғлиқ ротация фақатгина ушбу давлат хизматчиларининг розилиги билан йўлга қўйилади, қонунда бошқа ҳолатлар белгиланган ҳоллар, шунингдек, дипломатик хизмат

^{*} Қозоғистон Республикасининг ушбу Қонунида бошқарув даражасидаги маъмурий давлат мансаблари “А” ва “Б” корпусга бўлинади. “А” корпус бошқарув даражасининг маъмурий давлат лавозимлари учун кадр захирасини шакллантиришнинг алоҳида танлови тартиби, давлат хизматини ўташ ва тугатишнинг ўзига хос тартиби, шунингдек, махсус малака талаблари кўзда тутилган.

¹ Дипломатик хизмат фаолиятида ротацияни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қаранг: Занко Т.А. Особенности и основные направления совершенствования правового регулирования дипломатической службы Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – 27 с.

фаолиятини ташкил этиш тартиби бундан мустасно. Кўрсатилган ҳолатлар ҳужжат билан тасдиқланиши лозим¹.

Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида давлат фуқаровий хизмати тўғрисида”ги Қонунга² ҳам 2011 йил 6 декабрда ўзгартириш киритилиб, Қонун “Фуқаровий хизматчилар ротацияси” деб номланган янги 60¹-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, фуқаровий хизматчилар ротацияси фуқаровий хизмат самарадорлигини ошириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш мақсадларида фуқаровий хизматчиларни бошқа ўша ёки бошқа давлат органидаги фуқаровий хизмат лавозимларига тайинлаш йўли билан амалга оширилади. Фуқаровий хизматчилар ротацияси назорат функциясини амалга ошираётган ижро ҳокимияти ҳудудий органларида ҳам ўтказилади. Кўрсатилган органларда “раҳбар” тоифадаги ёхуд раҳбар мансаб мажбуриятларини бажариб турган шахс ротация қилиниши лозим.

Ушбу моддага кўра, Россия Федерациясида ротация: фаолиятига Президент раҳбарлик қиладиган марказий ижро ҳокимияти органларида Президент томонидан ушбу органлар тақлифлари асосида шакллантирилган ва Президент томонидан тасдиқланган фуқаровий хизматлар мансабдор шахслари рўйхати асосида амалга оширилади; фаолиятига Ҳукумат раҳбарлик қиладиган марказий ижро ҳокимияти органларида ушбу органлар тақлифлари асосида шакллантирилган ва Ҳукумат томонидан тасдиқланган фуқаровий хизматлар мансабдор шахслари рўйхати асосида амалга оширилади; бошқа марказий давлат органларида – Президент томонидан ушбу органлар тақлифлари асосида шакллантирилган ва Президент томонидан тасдиқланган фуқаровий хизматлар мансабдор шахслари рўйхати асосида амалга оширилади. Давлат хизматчилари ротациясини ўтказиш режаси давлат органи раҳбари томонидан тасдиқланади. Фуқаровий хизматчилар ротацияси бир гуруҳ фуқаровий хизмат мансаблари доирасида ўтказилади ва унда ойлик

¹ Закон Республики Казахстан «О государственной службе Республики Казахстан» №416-V ЗРК от 25.11.2015 г. // Газета «Казахстанская правда» от 25 ноября 2015 года. (www.anp.kz)

² Федеральный Закон «О государственной гражданской службе Российской Федерации» от 27.07.2004 N 79-ФЗ (ред. от 30.12.2015) // Консультант Плюс – www.consultant.ru

маоши миқдори у илгари эгаллаган мансабдаги ойлик маошидан кам миқдорда бўлиши мумкин эмас, шунингдек, малака даражаси, мутахассислиги ва иш стажини ҳисобга олиши лозим. Фуқаровий хизматчилар ротацияси уч йилдан беш йилгача муддатга ўтказилади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида ротация институтини такомиллаштириш масалалари

Давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини самарали ташкил этишда ротация институти муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. У давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига тааллуқли бўлиб, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Юридик адабиётларда ротация кўзда тутиладиган давлат хизмати турлари рўйхатини белгилаш, у ёки бу давлат органига ротация қилишни кўзда тутувчи ротация турларини ўрнатиш, ротация режаларини (йиллик) ишлаб чиқиш, ротация тўғрисидаги намунавий низом ишлаб чиқиш, ротация ҳолати устидан мониторинг тизимини йўлга қўйиш каби масалаларни қонун ҳужжатлари доирасида ҳал қилиш зарурияти қайд этилган¹. Шунингдек, давлат органлари тизимида ротацияни амалга оширишнинг ягона тизими йўқлиги, ротацияни тор йўналишлардагина қўлланилиши, раҳбар кадрлар ва улар оиласини иш жойини ўзгартириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга оид муаммолар мавжудлиги ҳам кўрсатилади².

Ўз навбатида, Ўзбекистондаги ротациялаш соҳасидаги асосий муаммолардан бири шундаки, ротация фаолияти давлат томонидан етарли даражада мувофиқлаштирилмаган. Яъни, ротацияни амалга ошириш мақсадлари, вазифалари ва тартиблари борасида ягона давлат сиёсати

¹ Литвинцева Е.А. Организационно-методические основы проведения ротации государственных гражданских служащих // Среднерусский вестник общественных наук. – 2013. – №3. – С.63-64.; Дементьева А.А. Проблематика развития персонала на государственной службе // Международный научный журнал «Инновационная наука». – 2015. – №6. – С. 254-255.

² Барсуков М.В. Ротация в системе государственной гражданской службы Российской Федерации как элемент совершенствования кадрового состава: проблемы и решения // www.scienceforum.ru

шакллантирилган бўлиши лозим. Лекин ҳозиргача бундай мувофиқлаштиришув етарлича йўлга қўйилмаган. Бунга далолат шундаки, Ўзбекистонда ҳозирга қадар ротация институтини давлат органлари фаолиятида қўлланилишини тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий акт мавжуд эмас. Демак, хулоса қилиш мумкинки, ҳозирда ротациялаш соҳасида тизимли ҳуқуқий қафолатлар яратилмаган ва бу давлатни мазкур муҳим бўлган фаолиятини йўналишида ягона ёндашув мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Мазкур масала бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, улар ротация борасида ягона махсус қонун қабул қилиб шу қонун орқали бошқа барча давлат органларининг ротациялаш механизмларини шакллантирилишини мувофиқлаштириб келмоқдалар. Бунга мисол тариқасида Россия Федерациясининг “Россия Федерациясининг фуқаролик давлат хизмати тўғрисида”ги қонунини келтириш мумкин¹. Масалан, унга кўра ротацияни ўтказишни муҳим талабларидан бири сифатида бошқа жойга ўтказилаётган ходимларни яшаш жойи билан таъминлаш лозимлиги бўлиб, бу ротация ўтказилишининг асосий шартларидан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистонда бундай тажрибани қўлланилишининг маъқуллик масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 1995 йилда кўтарилган эди. Жумладан, Президентимиз ўзини 1995 йил 23 февральдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги “Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” мавзусидаги чиқишларида таъкидладики: “... иқтисодий, айниқса, сиёсий ислохотлар муваффақияти, аввало, бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ. Худди шу боис ҳам давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонун қабул қилиш зарурати сезилмоқда. Бу қонунда ва унинг асосида қабул қилинадиган меъёрий

¹ Ротацией по коррупции. // Россия Президенти В.Н.Путиннинг 2006 йил октябрь ойидаги “Бевосита мулоқот”даги жавоблари.

хужжатларда давлат хизматчиларини танлаб олиш тизими, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, масъулияти, униб-ўсиши, ижтимоий ҳимояси, имтиёзлари белгилаб берилган бўлур эди.

Мазкур муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги ўзбошимчаликни, шахсий садоқат, кариндош-уруғчилик каби иллатларнинг пайини қирқади. Қонун кучли рағбатлантириш механизмини вужудга келтириши керак. Сир эмаски, бугун давлат муассасаларида хизмат қилиш на моддий на маънавий жиҳатдан ҳавас қиладиган машғулот. Бундай қонун қабул қилинган эса, ўз хизмат вазифасига садоқатли, юксак малакали хизматчилардан иборат давлат аппаратига эга бўламиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, давлат бошлиғимиз кўрсатган кадрлар билан боғлиқ муаммоларни изчил ечишда ротация институтини самарали қўллаш лозим. Бунинг учун, биринчидан, давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонунни қабул қилиш керак; иккинчидан, мазкур қонун асосида давлат органларининг барча соҳаларида, ҳар бир соҳани давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардаги кадрларни ротациялаш борасидаги Низомларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

Натижада давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг ҳуқуқий асосларини бундай такомиллашуви Президентимизнинг ғоялари асосида давлат фаолияти соҳасидаги муносабатларни янада соғломлаштиришга, уларни қонун йўли билан тартибга солишга, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги масаларни самарали ечишга муҳим ҳуқуқий кафолат сифатида хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ҳокимияти тизимидаги кадрлар билан боғлиқ муаммоларни изчил ечишда ротация институтини самарали қўллаш лозим. Бунинг учун, *“Давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида”ги қонунни* қабул қилиш керак ҳамда мазкур қонун асосида давлат органларининг барча соҳаларида, ҳар бир соҳани давлат ҳокимиятини амалга

оширишдаги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардаги кадрларни ротациялаш борасидаги низомларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

III боб бўйича хулоса:

1. Ротация институти ривожланишининг хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари ривожланган демократик давлатларнинг бу борадаги умумий қонуниятларини аниқлаб, Ўзбекистон давлатчилигида қўлланилишининг шакл ва услубларини белгилаб олишни талаб этади.

2. Бунда ротация институти давлат ҳокимияти органлари фаолиятида асосий иккита, яъни режали ва режадан ташқари шаклларда қўлланилишига асосланган ҳолда уни давлат ҳокимияти тармоқларида намоён бўлиш умумий қонуниятининг аниқлаганлигини тақозо этади. Демократик хорижий давлатлар тажрибасидаги айнан шу умумий хусусиятларни Ўзбекистон қонунчилигида қўлланилиши борасида тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш мумкин. Бу ерда, уларда ҳокимият тармоғининг давлат органи фаолиятида қай даражада режали ва режадан ташқари ротация қўлланилаётганлигидан ҳам келиб чиқиши керак. Улардаги режали ротация Ўзбекистон тажрибаси билан муштарак, лекин режадан ташқари ротация жиҳатдан фарқларга эга ҳисобланади.

3. Ўз навбатида, Ўзбекистондаги ротациялаш соҳасидаги асосий муаммолардан бири шундаки, ротация фаолияти давлат томонидан мувофиқлаштирилиб келинмоқда. Бу дегани ротацияни амалга ошириш мақсадлари, вазифалари ва тартиблари борасида ягона давлат сиёсати шакллантирилган бўлиши лозим. Аммо ҳозирги кунгача бундай мувофиқлаштиришув етарлича йўлга қўйилмаган. Бунга сабаб шундаки, Ўзбекистонда ҳозирга пайтга қадар ротация институтини давлат органлари фаолиятида қўлланилишини тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий акт мавжуд эмас. Демак, хулоса қилиш мумкинки, ҳозирда ротациялаш соҳасида тизимли ҳуқуқий қафолатлар яратилмаган ва бу давлатнинг мазкур муҳим

бўлган фаолияти йўналишида ягона ёндашув мавжуд эмаслигидан далолат беради.

4. Давлат ҳокимияти тизимидаги кадрлар билан боғлиқ муаммоларни изчил ечишда ротация институтини самарали қўллаш лозим. Бунинг учун, ***“Давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида”ги қонунни*** қабул қилиш керак ҳамда мазкур қонун асосида давлат органларининг барча соҳаларида, ҳар бир соҳани давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардаги кадрларни ротациялаш борасидаги низомларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, махсус адабиётларни ўрганиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш мавжуд қонунларни такомиллаштириш, ротация институтини давлат фаолиятида қўланилишининг самарасини янада оширишга қаратилаган қатор хулосалар қилиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини берди:

1. Илмий-назарий хулосалар:

1. Ҳар бир ташкилотда ходимларни кўчириб ўтказишни горизонтал тизими ишлаб чиқарилиши лозим. У кадрларни бошқариш бўйича бўлимлари томонидан бошқа бўлимларни раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорликда тузилиши керак. Бунда бўлим бошлиқлари лавозимда бўлиб бориш учун оптимал даврни аниқлашлари, ўзига бўйсунган ходимларни кўчиб ўтишларини схемасини тузиш билан шуғулланишлари лозим. Бунинг учун мазкур раҳбарларга нисбатан ўқув курсларини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундай тизимни жорий этишда қаршиликларни енгиш учун, у бошқарувни олий даражаларида бошланиши лозим, уни жорий қилиниши фақатгина олий раҳбариятни ташаббуси билан бўлиши мумкин. Бунда муҳими шундаки, кўчиб ўтказишлар адолатли амалга оширилиши, енгилроқ ёки оғирроқ лавозимлар бир текис тақсимланиши керак. Бу ерда ротация тизими самарали амал қилиши учун, ходимлар юқори даражадаги интеллектуал ва иродали сифатларга эга бўлишлари лозим. Шунинг учун ходимларни танлаш босқичида муҳими шундаки, бунда айнан энг яхши номзодлар танлаб олиниши лозим.

2. Ўзбекистонда парламент фаолиятида ротация институти етарлича самарали қўлланилмаяпти. Бунинг учун унда қуйидаги чораларни қўллаш мақсадга мувофиқ:

– биринчидан, Парламент фаолиятида ротацияни фаоллаштириб уни барқаролигини кафолатларини сақлаб бориш керак;

– иккинчидан, ротация механизмларини хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ;

– учинчидан, ротация механизмини босқичма босқич номарказлаштириб бориш керак, яъни Парламентни Қонунчилик палатасидаги фракциялари хажмига мутаносиб равишда уларни кўмиталардаги ўринларини миқдорини аниқ белгилаб қўйиб, фракцияларга шу кўмиталардаги ўз вакилларини мустақил равишда ротациялаб бориш ҳукуқини бериш мақсадга мувофиқ.

3. Ижро ҳокимияти органларининг ротация ўтказиш тартибини таҳлил қилиш натижасида шундай хусусият аниқланмоқдаки, уларда асосан ротацияни режали шакли қўлланилади ва фақат айрим ҳолларда ходимни ёки маъмуриятни ташаббуси билан режадан ташқари ротация амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, режали ротацияни самарали ўтказиб бориш учун: биринчидан, кадрлар захирасини сифатли номзодлар билан узлуксиз тўлдириб бориш керак ва иккинчидан, мавжуд бўлган ходимларни изчил малакасини ошириш борасида чора тадбирларни қўллаб бориш талаб этилади.

II. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар:

4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасини қуйидаги таҳрирдаги саккизинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Сайлов яқунлари бўйича олинган депутатлик ўринларини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланган муайян сиёсий партия фракциясига тегишли бўлган кўмита раиси ва унинг ўринбосари лавозимлари тегишли фракция раҳбари томонидан икки ярим йилда ўзаро ротация қилиниши мумкин”.

5. Вилоят, туман ва шаҳарлар доирасида мунтазам ротация тизимининг йўлга қўйилиши ҳам ҳудудларда давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасида янги қисм қилиб, вилоят, туман ва шаҳар ижроия органлари раҳбарлари ҳамда тегишли ҳудудда назорат ваколатларини амалга ошираётган ижроия органларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳар уч йилда ротация қилиниши тўғрисида қондани мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ротацияси билан боғлиқ яна бир масала бу улар фаолиятини баҳолаш муаммосидир. Чунки, айнан ушбу масала кейинчалик улар ротациясини ўтказишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу мақсадда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда улар фаолиятида ротация институтини қўллаш имкониятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунини қуйидаги таҳрирдаги 21¹-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“21¹-модда. Ҳоким фаолиятини баҳолаш

Вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар ҳокимлари фаолияти тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва юқори турувчи ҳокимлар томонидан улар ваколат муддати давомида камида икки мартаба комплекс ўрганилади. Ҳоким фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб, вилоят, шаҳар, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, ишбилармонлик муҳити, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, касб-ҳунар коллеж битирувчиларининг ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланганлик ҳолати ҳисобланади.

Вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар ҳокимлари фаолиятини баҳолаш учун кўрсаткичлар рўйхати ва баҳолаш учун услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўз ваколат муддати давомида тегишли ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини, тадбиркорликни ривожлантиришни, касб-ҳунар коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашни лозим даражада таъминламаган шахсларни такроран ҳоким лавозимига номзод сифатида қўрсатилишига йўл қўйилмайди”.

7. Ўзбекистонда судьяларни режали ротацияси муддатини босқичма босқич узайтириш ва ҳар томонлама ислоҳ қилиб бориш лозим. Шунингдек, бу борадаги ислохотлар йўналишининг мазмунини судьяларни ўз лавозимида

барқарор бўлишларини таъминлаш ғояси ташкил этиши керак. Масалан, судьяларнинг ваколат муддати Германияда (Федерал Конституциявий суд судьялари – 12 йил), Францияда (Кассация суди судьялари – 9 йил), Буюк Британияда, АҚШда (Қуролли кучлар Апелляция суди судьялари – 15 йил, банкротлик ишлари бўйича судлар судьялари – 14 йил) умрбод, Япония, Кореяда – 10 йил, Озарбайжонда – 15 йил, Россия Федерациясида – Конституциявий суд судьялари – 12 йил, федерал судлар судьялари дастлаб уч йил сўнгра умрбод, Украинада – Конституциявий суд судьялари – 9 йил, қолган судлар судьялари дастлаб 5 йил, сўнгра умрбод. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, судлар фаолиятида мустақилликни янада кучлироқ таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 63-моддаси тўртинчи қисмини қуйидаги тахрирда ўзгартириш мақсадга мувофиқ:

“Судьялар ўн йил муддатга сайланади ёки тайинланади. *Вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судларнинг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари ўз ваколат муддати давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ротация қилиниши мумкин*”.

8. Давлат ҳокимияти тизимидаги кадрлар билан боғлиқ муаммоларни изчил ечишда ротация институтини самарали қўллаш лозим. Бунинг учун, **“Давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида”ги қонунни** қабул қилиш керак ҳамда мазкур қонун асосида давлат органларининг барча соҳаларида, ҳар бир соҳани давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардаги кадрларни ротациялаш борасидаги низомларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 78.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 12 ноябрь). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 52 б.

3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. 2015й. 06 декабрь, №236 (6419) сон.

4. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2015 й. 24 январь. №16. (6199) сон.

5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, 2015. – 304 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2015.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. 12-сон. 215-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. 12-сон. 216-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. 9-10-сон. 136-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. 9-10-сон. 137-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. 8-9 (144-145)-сон. 64-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги 321-сонли “Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларини тенг лавозимларга ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. 8-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 3 августдаги 303-сонли “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида” Қарори // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2000. 8-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарорининг 3-илоvasи “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Режим ва кадрлар бош бошқармаси тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2000. 5-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарорининг 5-илоvasи “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2000. 5-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлда 321-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларини тенг лавозимларга ўтказиш тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2003. 8-сон.

17. Закон Республики Казахстан «О государственной службе Республики Казахстан» №416-V ЗРК от 25.11.2015 г. // Газета «Казахстанская правда» от 25 ноября 2015 года. (www.ank.kz)

18. Федеральный Закон Российской Федерации «О государственной гражданской службе Российской Федерации» от 27.07.2004 N 79-ФЗ (ред. от 30.12.2015) // Консультант Плюс – www.consultant.ru

III. Махсус адабиётлар:

19. Баранчеев С.В. Качество ротации состава менеджеров как фактор конкурентоспособности организации. Часть I. – М., 2006. – С. 21.

20. Беляцкий Н.П. Менеджмент. Деловая карьера. – Мн.: Высшая школа. 2001. – С. 170.

21. Баглай М.В. Конституционное право зарубежных стран. – М.: Норма. 1999. – С.365-366, 473, 565.

22. Баишев Ж., Шакиров К. Конституции 16 стран мира. – Алматы: Жетти Жаргы, 1995. – С. 20.

23. Бернар Манен. Принципы представительного правления / Пер. с англ. Е.Н. Рощина; науч. ред. О.В. Хархордин. – СПб.: Изд-во Европейского университета в Санкт-Петербурге, 2008. – С.123.

24. Граждан В.Д. Государственная гражданская служба. – М.: Юркнига, 2005. – С. 47.

25. Давлат хизмати: ўқув қўлланма / Э.Т.Хожиев, Г.С.Исмаилова, М.А.Рахимова. – Тошкент: Baktria press, 2015. – Б.97-98.

26. Данькова, Е.В. Ротация руководителей на государственной гражданской службе: перспективы и прогнозы. – М.: Дело РАНХиГС, 2013. – С.20.

27. Жукова С.М. Государственная гражданская служба в Российской Федерации: монография. – Оренбург: ООО ИПК «Университет», 2014. – С.36.

28. Мэннинг Н., Паринсон Н. Реформа государственного управления: международный опыт / Пер. с англ. – М.: Весь мир, 2003. – С.196.

29. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. – М.: Юрист. 1997. – С. 296-297.

IV. Даврий наишлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

30. Абдуллаева И.Г. Технология ротации кадров: проблемы реализации и перспективы развития // Современные тенденции в государственном управлении, экономике, политике, праве: сборник статей международной научно-практической конференции молодых ученых (Ростов-на-Дону, 29 ноября 2013 г.). – Ростов н/Д: Изд-во ЮРИФ РАНХиГС, 2013. – С.3.

31. Барсуков М.В. Ротация в системе государственной гражданской службы Российской Федерации как элемент совершенствования кадрового состава: проблемы и решения // www.scienceforum.ru

32. Дебро Ж. Ротация кадров как элемент управления деловой карьерой персонала // Справочник по управлению персоналом. – 2009. – № 7. – С. 25-29.

33. Дементьева А.А. Проблематика развития персонала на государственной службе // Международный научный журнал «Инновационная наука». – 2015. – №6. – С. 254-255.

34. Джунусбекова Г. Некоторые аспекты совершенствования системы государственной службы в Республике Казахстан // Актуальные проблемы экономики. – Алматы, 2013. – №8(146). – С.278-279.

35. Довлатов Д. Ротация кадров: сущность явления и документальный аспект // Кадровик. – 2012. – №8. – С. 64-69.

36. Журавский Ю.В. Антикоррупционная направленность административной реформы в РФ // Современные тенденции в государственном управлении, экономике, политике, праве: сборник статей международной научно-практической конференции молодых ученых (Ростов-на-Дону, 29 ноября 2013 г.). – Ростов н/Д: Изд-во ЮРИФ РАНХиГС, 2013. – С.74-75.

37. Кривко М.Н. Положительный имидж государственных служащих - залог эффективного функционирования государства // Современные тенденции в государственном управлении, экономике, политике, праве: сборник статей международной научно-практической конференции молодых ученых (Ростов-на-Дону, 29 ноября 2013 г.). – Ростов н/Д: Изд-во ЮРИФ РАНХиГС, 2013. – С.110-111.

38. Литвинцева Е.А. Организационно-методические основы проведения ротации государственных гражданских служащих // Среднерусский вестник общественных наук. – 2013. – №3. – С.63-64.

39. Мартынова Н.А. Современные подходы к адаптации руководителей к новому месту работы в органах власти // Государственное управление. Электронный вестник. – 2014. – № 46. – С. 37-38.

40. Ноговицын Р.Р. Сравнительный анализ демократических способов замещения государственных должностей // Вестник СВФУ. – 2012. – Том 9. №2. – С.86-87.

41. Папонова Н.Е. Ротация персонала: понятие и основные правила // Кадры предприятия, 2003. - №10. – С. 32.

42. Плотникова Е.В. Условия и процедуры ротации государственных гражданских служащих в РФ // Развитие института государственной

службы в регионах: международный и российский опыт. II Международная научно-практическая конференция (25 сентября 2014 г.) / Под редакцией П.А.Меркулова. – Орёл: Изд-во ОФ РАНХиГС, 2014. – С.335-336.

43.Разуваева Н.И. Ротация как один из механизмов подбора кадров в органах внутренних дел // Вестник Воронежского института МВД России. – 2012. – №3. – С. 35.

44.Рудык Э. Управления трудом в Японии: уроки для России // Альтернативы. – 2002. – №1. – С.44.

45.Савченко И.П., Кафян К.А. Система ротации кадров как инструмент управления карьерой персонала организации // Новый университет. – 2014. – №4(38). – С. 107-108.

46.Солодов В.В., Михайлова Е.В. Ротация как механизм повышения эффективности правоохранительной службы Российской Федерации // Государственное управление. Электронный вестник. – 2010. – №22. – С.2.

47.Сороко А. Механизмы ротации кадров // Кадровик. – 2012. – № 8. – С. 89-90.

48.Христофоров И. Ротация как средство развития персонала // Справочник кадровика. – М., 2003.– С. 12.

49.Хусаинов У. Ш. Институт ротации в системе государственной власти: понятие и сущность // Актуальные вопросы юридических наук: материалы II междунар. науч. конф. (г. Челябинск, февраль 2015 г.). – Челябинск: Два комсомольца, 2015. – С. 10-13.

50.Чифликян Н.Л. Проблемы урегулирования конфликта интересов на государственной гражданской службе // Современные тенденции в государственном управлении, экономике, политике, праве: сборник статей международной научно-практической конференции молодых ученых (Ростов-на-Дону, 29 ноября 2013 г.). – Ростов н/Д: Изд-во ЮРИФ РАНХиГС, 2013. – С.208-209.

51. Шидов А.Х., Хапов А.Б. Ротация кадров как элемент системы управления деловой карьерой // Менеджмент в России и за рубежом. – 2003. – № 2. – С. 90-95.

52. Явтуховская Я.В. Основные цели осуществления ротации государственных служащих Российской Федерации // Вестник Воронежского государственного университета. – 2014. – №4(19). – С.132-133.

53. Явтуховская Я.В. Ротация государственных служащих Российской Федерации и перевод на иную должность: возможность соотношения // Вестник ВГУ. Серия: Право. – 2015. – №3. – С. 139-140.

V. Диссертация ва авторефератлар:

54. Бушуева И.П. Управление профессиональным развитием государственных гражданских служащих: региональный аспект: Автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – Н.Новгород, 2015. – С.10.

55. Дахно Е.В. Управление развитием карьеры государственных служащих в условиях реформирования государственной службы в России: Автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – Ростов-на-Дону, 2012. – С. 11-12.

56. Джагарян Н.В. Муниципальное представительство в системе российской государственности: правовое регулирование и реализация: Дисс. ... докт. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2015. – С. 22.

57. Занко Т.А. Особенности и основные направления совершенствования правового регулирования дипломатической службы Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – 27 с.

58. Кондратович И.В. Теория и методология формирования высшего управленческого персонала муниципального образования: Дисс. ... докт. экон. наук. – М., 2014. – С.261.

59. Куликова Ю.А. Проблемы правового регулирования сроков пребывания в должности президентов Российской Федерации и

государств-членов Содружества Независимых Государств: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2014. – С.18.

60.Серегин А.В. Форма государственного правления (вопросы теории): Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2014. – С.28.

61.Сороко А.В. Управление кадровым потенциалом государственной гражданской службы на основе формирования резерва управленческих кадров: Автореф. дисс. ... экон. наук. – М., 2011. – С.13.

62.Степанков Д.В. Управление ротацией кадров государственной гражданской службы Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – Орел, 2015. – С.10.

63.Сюняев Г.Р. Влияние сменяемости властных структур на защиту прав собственности: теоретический и эмпирический анализ: Автореф. дисс. ... канд. экон. наук. – М., 2015. – С.11.

64.Турисбек А.З. Государственная служба в Республике Казахстан (проблемы теории и практики): Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – М., 2012. – С.9.

65.Усов Е.Г. Формирование системы ротации персонала: Дисс. ... докт. юрид. наук. – Иркутск, 2015. – С.55.

66.Хусаинов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2010. – Б. 173.

67.Чубарова Н.Л. Компетентностный подход в подготовке управленческих кадров (политологический аспект): Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Ростов-на-Дону, 2013. – С. 9.

68.Шерипов Н.Т. Государственная гражданская служба Кыргызской Республики (административно-правовое исследование): Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Тюмень, 2011. – С.11.

VI. Чет эл адабиётлари:

69. Acemoglu D., Reed, T., Robinson, J. A. Chiefs: elite control of civil society and economic development in Sierra Leone. – National Bureau of Economic Research. – 2013. – №18691.

70. Ashbaugh S., Miranda R. (2002). Technology for human resources management: Seven questions and answers. Public Personnel Management. – №31(1). – P. 7-8.

71. Besley, T., Persson T., Reynal-Querol, M. Political Instability and Institutional Reform: Theory and Evidence. Working Paper. – London School of Economics, 2012 (<http://people.su.se>).

72. Brewer G.A., Selden S.C., Facer R.L. (2000). Individual conceptions of public service motivation. Public Administration Review. – №60(3). – P. 254-255.

73. Bright L. (2005). Public employees with high levels of public service motivation: Who are they, where are they, and what do they want? Review of Public Personnel Administration. – №25(2). – P. 138-139.

74. Cogburn J.D., Reddick C.G. (2007). Public pension management: Issues and trends. International Journal of Public Administration. – №30. – P. 995-996.

75. Donchev D., Ujhelyi G. What Do Corruption Indices Measure? // Economics & Politics. – 2014. – Vol. 26. – No. 2. – pp. 309–331.

76. Inoki T. Personnel Exchange among Central and Local Governments in Japan / Working Paper. Washington, DC: World Bank Institute, 2005.

77. Reuter, O., Robertson, G. Subnational Appointments in Regimes: Evidence from Russian Gubernatorial Appointments // Journal of Politics. – 2012. – Vol. 74. – No. 4. – pp. 1023-1037.

VII. Интернет сайтлари:

78. www.parliament.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси расмий веб-сайти.

79. www.senat.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати расмий веб-сайти.
80. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати расмий веб-сайти.
81. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
82. www.norma.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари ахборот-қидирув тизими.
83. www.disser.law.edu.ru – Федеральный правовой портал России (реестр диссертаций).
84. www.lawbook.by.ru – Электронная библиотека юриста.
85. www.scienceforum.ru – Илмий форум сайти.